O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV.№

# УЛУҒ АЙЁМ МУБОРАК БЎЛСИН!


# O'zbekiston adabiyoti va san'ati

ЎЗБЕКИСТОН АДАБИЁТИ ВА САНЪАТИ | Haftalik gazeta • 1956-yil 4-yanvardan chiqa boshlagan • 2006-yil, 1-sentabr • № 35 (3864)


## ПРЕЗИДЕНТ ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ 15 ЙИЛЛИГИГА БАҒИШЛАНГАН ТАНТАНАЛИ МАРОСИМДАГИ НУТҚИ

Ассалому алайкум, азиз юртдошлар!

Қадрли ватандошлар!

Авваламбор, сиз, азизларни, сизларнинг тимсолингизда бутун халқимизни барчамиз учун энг улуғ, энг азиз сана — Ватанимизнинг Мустақиллик куни, истиқлолимизнинг 15 йиллик байрами билан чин қалбимдан муборакбод этишдан бахтиёрман.

Бугун мамлакатимиз, халқимиз ҳаётида озодлик ва ҳуррият саҳифасини очиб берган Мустақиллик кунини катта хурсандчилик ва ишонч билан нишонлар эканмиз, тарихан қисқа даврда босиб ўтган ўн беш йиллик тараққиёт йўлимиз давомида рўёбга чиқарган орзу-умидларимиз, амалга оширган ишларимизни баҳолаб олишимиз, биз ким эдигу ким бўлдик, қандай эзгу мақсадларга эришмоқчимиз, деган саволларни қўйишимиз табиийдир.

Мустақиллигимиз йўл очиб берган маънавий ҳаётимизнинг юксалиши:

— ҳеч шубҳасиз, ўзлигимизни англаш ва топталган қадр-қимматимизни, қадрият ва урф-одатларимизни, муқаддас ислом динимизни, буюк аждодларимиз, авлиё ва мутафаккирларимизнинг мўътабар номларини жой-жойига қўйиш;

— миллий онг, миллий ғурур ва ифтихоримизни тиклаш, ёш авлодимизни шу аснода тарбиялаш имконини бермоқда, бугунги жамиятимизнинг руҳий ва мафкуравий оламини ўзгартирмоқда ва асл ўзбек миллатига мансуб қиёфа, дунёқараш ва фазилатларга ўзгалар эътиборини тортмоқда, кучимизга куч, ғайратимизга ғайрат қўшмоқда.

Иқтисодий ҳаётимизда:

— собиқ марказдан туриб режалаштирилган эскича тақсимлаш тизимидан, бирёқлама ривожланган иқтисодиётдан воз кечиш;

— бутунлай янгича, эркин бозор иқтисодиётига ўтиш, таркибий ўзгаришлар, модернизация, хусусийлаштириш ва либераллаштириш мақсадлари сари, хусусий мулкнинг мавқеини оширишга қаратилган қатъий ислоҳотларни олиб бориш;

— энергетика ва ёқилғи масаласида, аҳолимизни ғалла, гўшт ва сут маҳсулотлари билан таъминлаш соҳасида мустақилликка эришиш;

— кичик бизнес ва фермерлик, тадбиркорлик ва ишбилармонлик ҳаракатларини устувор даражага кўтариш, давлат ва жамият томонидан уларни ҳимоя қилиб, барча ҳуқуқ ва эркинликларни яратиш, ҳар томонлама ривожлантириш учун кенг йўллар очиб бериш нақадар тўғри эканини бугун ҳаётнинг ўзи ҳар қадамда исботлаб турибди.

Бундай чуқур ўйланган ва узоқни кўзлаган, кенг кўламда ҳаётга татбиқ этилаётган ислоҳот ва янгиланиш жараёнлари охирги беш-олти йил давомида иқтисодиётимизнинг ишончли ва барқарор суръатлар билан ривожланишига, ҳаётимиз даражасини оширишга мустаҳкам замин барпо этмоқда.

Юртдошларимизда эгалик ҳиссиётини, бу ер, бу юрт, шу уй, шу Ватан меники, деган муносабатларни уйғотиш, шу замин обод ва унумли бўлиши учун қанча меҳнатим сингса, менинг ўзим, оилам, фарзандларим, насл-насабим шунча манфаат кўради, деган туйғу билан яшаш одамларимизнинг ҳаётга ва меҳнатга қарашини тубдан ўзгартирмоқда ва диёримизнинг гуллаб-яшнашига ҳисса қўшмоқда.

Бугунги кунда давлат манфаати эмас, аввало, инсон, унинг ҳаёти, ҳуқуқ ва эркинлигини энг юксак қадрият ва бойлик деб англаш, шу бойликни асраш, ҳимоялаш ва жамиятимиз ҳаётида энг устувор ўринга кўтаришдек эзгу вазифаларни амалга ошириш Конституциямиз, давлатимиз ва жамиятимизнинг бор куч ва имкониятларини, суд-ҳуқуқ тизимидаги ислоҳотларни айнан шу мақсадларга бўйсундиришга қаратилган ҳаракатларимиз ўз амалий натижаларини тобора кўпроқ намоён этмоқда ва халқаро майдонда тан олинмоқда.

Айниқса, мамлакатимизнинг яқин ва узоқ келажагини ўйлаб, инсонпарварлик ва олижаноб мақсадларимизни кўзлаб, халқимиз ҳаётида меҳр-оқибат ва мурувват, сахийлик ва меҳрибонлик, миллатлар ва динлараро ҳурмат муҳитини мустаҳкамлаш, маҳалла, қишлоқ ва шаҳарларимизда амалга оширилаётган эзгу тадбир ва дастурларимиз аҳолимиз, кекса ва ёшларимизнинг онгу тафаккурига, иймон-эътиқодига кўрсатаётган, ҳеч нарса билан солиштириб бўлмайдиган ижобий таъсирини ҳар қадамда кўриб-сезиб турибмиз ва буларнинг барчасини юксак қадрлаймиз.

Юртимизда яшаётган ҳар қайси оила ва фуқаро, қолаверса, мамлакатимиз ва жамиятимиз истиқболининг янада юксалишини ўзи учун мақсад қилиб олган ва шу интилишни ҳаётга изчил татбиқ этаётган умуммиллий дастурларимиз, шулар қаторида Кадрлар тайёрлаш, Соғлиқни сақлаш ва Мактаб таълимини ривожлантириш давлат дастурлари — узоқ қишлоқ ёки марказда бўладими — бугуннинг ўзидаёқ моҳияти ва амалий самарасини кўрсатмоқда.

Ва уларнинг келажагимиз учун нақадар катта аҳамиятга эга эканини, ўйлайманки, ҳеч ким инкор этолмайди.

Лўнда қилиб айтадиган бўлсак, ўтган давр мобайнида — буни барчангизнинг олдингизда, сизлар орқали бутун халқимиз олдида ҳисобот тарқасида айтмоқчиман — мамлакатимиз асрларга тенг келадиган улуғ ишларни амалга оширди ва бундан 15 йил олдин танлаган, ўзбек модели деб ном олган йўлимиз тўғри эканини ҳаётнинг ўзи тасдиқлаб бермоқда.

Бугун бир ҳақиқатни ҳеч иккиланмасдан, баланд овоз билан айтиш учун барча асосларимиз бор — қандай муаммо ва синовларни, қийинчилик ва тўсиқларни енгишга тўғри келган бўлмасин, қандай тўфонли ва суронли кунларни бошимиздан ўтказган бўлмайлик, халқимизнинг ҳоҳиш-иродаси билан танлаган ва дадил қадамлар билан бораётган йўлимиздан қайтмадик ва ҳеч қачон қайтмаймиз.

Бизнинг кўзлаган мақсад-манзилимиз очиқ ва равшан — демократик давлат ва фуқаролик жамияти барпо этиш; халқимизнинг ҳаётини ҳеч кимдан кам бўлмайдиган даражага кўтариш; жаҳон ҳамжамияти, яқин ва узоқ қўшниларимиз билан ҳамкорликда тинч ва тотув ҳаёт кечириш.

Халқимизнинг асрлар давомида орзиқиб кутган ва интилиб яшаган мана шундай эзгу мақсадларидан, ўзини ҳар томонлама оқлаган истиқлол йўлидан бизни оздириб, ортга қайтармоқчи, таҳлика ва таҳдид етказмоқчи бўлган куч ва ҳаракатларга — булар Ватанимизни кўра олмайдиган ғанимларимиз, қўпорувчи ва тажовузкор кучлар бўладими, бизга тазйиқ, зўравонлик кўрсатиб, ички ишларимизга аралашишга, қандай яшашни ўргатишга қаратилган уринишлар бўладими, экстремизм ва халқаро терроризм каби бало-қазоларни остонамизга олиб келишга уринаётган кимсалар бўладими — булар қандай шакл ва ниқобни юзига тортмасин, уларнинг барчасига жавобимиз битта: бундай номақбул интилишлар, қўпорувчилик ва ёвуз ҳаракатлардан қайтинглар — ўзбек халқи ҳеч қачон, ҳеч кимга бўйсунмаган ва ҳеч қачон ҳеч кимга қарам бўлмайди.

Бунинг исботи — биз кечирган минг йиллик бой тарих ва буюк маданият, бутун жаҳон, бутун башарият тан олган улуғ олим ва мутафаккирлар, дунёга машҳур, ҳеч кимга таслим бўлмаган улуғ соҳибқирон ва саркардалар.

Бунинг замини — кўпни кўрган, танти, бағрикенг, ўта чидамли, лекин вақти келса, ҳар қандай босқинчи ва истилочининг ҳам адабини берган, бугун ҳам ҳушёр ва сезгир бўлиб, тинч ҳаёт кечираётган бунёдкор халқимиздир.

Бунинг мезони — тинчлигимиз ва хавфсизлик ҳимоясида, чегараларимизни дахлсиз сақлаш йўлида мардона турган, бугун жасорат ва фидойилик мактабини ўтаётган, замон талабига жавоб берадиган ва ҳар қандай зўравон босқинчиларга зарба беришга қодир бўлган Қуролли Кучларимиздир.

Бунинг тасдиғи — билаги, бели бақувват, ота-боболаримиз шону шарафининг давомчиси, манаман деганлар билан ҳам беллашувга тайёр, халқимизнинг таянчи ва суянчи бўлмиш унибўсиб келаётган фарзандларимиздир.

Азиз дўстларим, қадрдонларим!

Бугун, мана шу шукуҳли айёмда юртимиз озодлиги ва истиқлолини юз йиллар давомида орзу қилиб ўтган, шу йўлда кўп-кўп қурбонлар берган ота-боболаримизнинг руҳлари шод бўлмоқда, десам, ўйлайманки, сизлар ҳам шу фикрга қўшиласиз.

Бугун ҳаммангизни Мустақиллик байрами билан яна бир бор қутлар эканман, авваламбор, барча ютуқларимизнинг ижодкори ва бунёдкори бўлган азму шижоати улуғ, фидойи ва олижаноб халқимизга бош эгиб таъзим қиламан.

Табаррук отахон ва онахонларимизга, хонадонларимиз кўрки бўлган меҳрибон ва мунис аёлларимизга, навқирон ёшларимизга ўзимнинг самимий тилакларимни изҳор этаман.

Барчангизга сиҳат-саломатлик, омад ва бахт, фаровонлик, хонадонингизга файзу барака тилайман.

Оллоҳ назари тушган юртимизни ёмон кўзлардан Ўзи асрасин!

Эл-юртимиз омон, осмонимиз мусаффо, мустақиллигимиз абадий бўлсин!



СУРАТЛАРДА: Мустақиллик байрами тантаналаридан лавҳалар.

Абдувоҳид ТЎРАЕВ, Дилшод ЮСУПОВ (ЎзА) олган суратлар.

## МУКОФОТЛАР МУБОРАК

***Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармонига биноан мамлакатимиз мустақиллигининг ўн беш йиллиги муносабати билан фан, таълим, соғлиқни сақлаш, маданият, санъат, маънавият ва маърифат, оммавий ахборот воситалари ҳамда ижтимоий соҳалар ходимларидан бир гуруҳи ватанимизнинг юксак мукофотларига сазовор бўлдилар.***

***Мустақилликни мустаҳкамлаш, унинг халқаро миқёсдаги нуфузини ошириш, халқимиз маданияти ва маънавиятини юксалтириш ишига қўшган салмоқли ҳиссаси, бетакрор истеъдоди, серқирра ижоди, илмий фаолияти, ҳалол хизмати билан эл-юрт ўртасида орттирган обрў-эътибори, фан, таълим, адабиёт, маданият, санъат, соғлиқни сақлаш, спорт ва ижтимоий ҳаётнинг бошқа соҳаларидаги кўп йиллик самарали меҳнати ҳамда жамоат ишларидаги фаол иштироки учун мукофотланганлар сафида қуйидагилар бор.***

**"Ўзбекистон Республикаси санъат арбоби"**

**Амануллаева Дилором Дарвиновна** — Ўзбекистон давлат консерваторияси эстрада санъати кафедраси мудири, композитор

**Мусоқов Зулфиқор Жалолович** — "Ўзбекфильм" киностудияси постановкачи-режиссёри

**"Ўзбекистон Республикаси халқ артисти"**

**Бегматова Азиза** — Аброр Ҳидоятов номидаги ўзбек давлат драма театри актёри

**Маъдиев Рустам Кароматович** — Муқимий номидаги Ўзбек давлат мусиқий театри бош режиссёри

**Соловей Зинаида Ивановна** — Тошкент давлат мусиқали комедия (оперетта) театри актёри

**"Ўзбекистон Республикаси халқ рассоми"**

**Қодиров Ғофур Қобилович** — Ўзбекистон Бадиий ижодкорлар уюшмаси аъзоси, рангтасвирчи

**"Ўзбекистон Республикаси халқ устаси"**

**Ботиров Бозор Эшимович** — Қашқадарё махсус илмий-таъмирлаш ва ишлаб чиқариш "Мерос" ҳиссадорлик жамиятининг таъмирловчи устаси

**Мамажонов Маҳмуджон Тожибоевич** — "Усто" бирлашмаси аъзоси, кулол

**"Ўзбекистон Республикаси халқ шоири"**

**Саидов Сирожиддин Салохович (Сирожиддин Саййид)** — Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси раисининг биринчи ўринбосари, шоир

**Ҳакимов Охунжон (Охунжон Ҳаким)** — Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасининг Фарғона вилояти бўлими маслаҳатчиси, шоир.

**Давоми иккинчи бетда.**

**Мирпўлат МИРЗО**

*Шеърий лаҳза*

## ҚУТЛУҒ МАСКАНИМ

*Ҳур эллар безавол сурури билан*
*Нурафшон этдилар қадим дунёни.*
*Метиндек букилмас ғурури билан*
*Қуёшдек порлади ўзбекнинг шони.*

*Миллатим, омон бўл, кўрмагин завол,*
*Дунё турғунича сен ҳам тур, бор бўл!*
*Мангуга бахт берди сенга Истиқлол,*
*Ҳур фикр элларга йўлдош бўл, ёр бўл!*

*Сенда парвоз қилди тафаккур, шуур,*
*Башарни эзгулик сари қаратдинг!*
*Тоабад жаҳонга берувчи сурур*
*Ўлмас обидалар қурдинг, яратдинг!*

*Умри қуёш билан туташган Ватан,*
*Тушмасин бағрингга ғаламларнинг доғи.*
*Ўзингсан — биз учун энг қутлуғ маскан,*
*Ўзингсан — бахтимиз сўнмас чироғи!*

***Ушбу белги остида эълон қилинаётган мақолалар Ўзбекистон мустақил оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди ҳомийлигида тайёрланган.***

***Газетанинг ўтган сонидаги (№34) "Ҳаётимни бахш этишга тайёрман...", "Бўзсув бўйидаги суҳбат", "Уюшманинг биринчи раиси" сарлавҳали мақолалар ҳам мазкур жамғарма ҳомийлигида чоп этилди.***

***Жамғарма билан ҳамкорлик режасига кўра яқинда ёзувчи ва адабиётшунос олимлар иштирокида бугунги ўзбек адабиётининг долзарб муаммоларига доир давра суҳбати ўтказилади.***

**O'ZSANOATQURILISHBANK**

KO'PLARNI TANISHADI — MUNOSIBLARNI TANLASHADI!

Tel: 120-45-01, 120-45-82, 120-45-05;
Faks: 133-34-26
www.uzpsb.uz e-mail: info@uzpsb.uz

Хизматлар лицензияланган

## ЗИЁЛИНИНГ ДАЪВАТКОР СЎЗИ

**Ҳар қандай жамият ўз мустақиллигини, иқтисодий ва маънавий асосларини мустаҳкамлаш билан бирга халқнинг миллий қадриятлари, урф-одатларини, олис аждодларимизнинг бизгача етиб келган маънавий-аҳлоқий меросини асраб-авайлаб, улардан янги авлоднинг баҳраманд бўлишини таъминлагандагина тараққиёт сари юз буради.**

Мамлакатимиз Президентининг «Миллий ғоя тарғиботи ва маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш тўғрисида"ги қарори мамлакатимизда бу борада амалга оширилаётган муайян ишларни янада яхшилаш, халқимиз, айниқса, ёш авлод қалби ва онгига она юртга муҳаббат, истиқлол ғояларига садоқат туйғуларини чуқур сингдириш вазифасини олдимизга қўяди. Халқаро майдонда мафкуравий, ғоявий ва ахборот хуружлари кучайиб бораётган ҳозирги мураккаб ва таҳликали даврда аҳоли кенг қатламлари орасида маънавий-маърифий ишларни бугунги шароит ва талаб даражасида ташкил этиш ва олиб бориш, ёшларни турли зарарли оқимлар таъсиридан ҳимоя қилиш, юртдошларимизнинг ҳаётга, ён-атрофларида юз бераётган воқеа-ҳодисаларга даҳлдорлик ҳиссини ошириш, тинч-тотув ҳаётимизни издан чиқариш мақсадидаги ҳар қандай тажовуз ва бузғунчиликларга қарши муросасиз кураш олиб бориш бугунги куннинг энг муҳим вазифаси ҳисобланади. Мазкур қарорга кўра, Ўзбекистон Республикаси Бош вазирига республика Маънавият ва маърифат кенгашига раислик қилиш, шунингдек, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси Раиси, вилоятлар, шаҳар ва туманларнинг ҳокимларига эса ҳудудий кенгашларга раҳбарлик қилиш вазифаси юклатилади. Республика Маънавият ва маърифат кенгаши ҳузуридаги Миллий мафкура илмий тарғибот маркази ўрнига Республика Маънавият ва маърифат кенгашининг илмий-амалий йўналишда фаолият олиб борадиган Миллий ғоя ва мафкура илмий-амалий маркази ташкил этилади. Қарорда янги марказ фаолиятининг асосий вазифа-йўналишлари аниқ-равшан белгилаб қўйилган. Чунончи:

*Муҳаррир минбари*

миллий ғоя ва мафкура масаласи билан боғлиқ долзарб муаммоларни, бугунги мураккаб мафкуравий жараёнларни илмий-амалий жиҳатдан атрофлича таҳлил қилиш ва баҳолаш, бу ишнинг устувор йўналишларини аниқлаш, уларнинг аҳоли турли қатламларига таъсирини ўрганиш, миллий манфаатларимизга, ҳаёт тарзимизга зид бўлган зарарли ғоялар ва мафкуравий хуружларнинг моҳиятини очиб бериш;

халқимизнинг кўп асрлик маънавияти ва миллий қадриятлари, диний қарашлари ва ҳаётий удумларига, ёшларимизнинг онгини заҳарлаб, маънавий жиҳатдан қарам этишга қаратилган мафкуравий хатарларга қарши самарали кураш олиб бориш бўйича илмий-амалий дастурларни ишлаб чиқиш;

фуқароларимиз қалбида миллий тафаккур ва соғлом дунёқараш асосларини мустаҳкамлаш, уларни онгли яшашга, ўз фикрига эга бўлишга, турли маънавий тажовузларга қарши собит тура олишга қодир, иродали, фидойи ва ватанпарвар инсонлар этиб тарбиялашга йўналтирилган амалий тавсиялар тайёрлаш. Бу борада маънавий-маърифий тарғибот ишларининг таъсирчанлигини таъминлайдиган замонавий ахборот технологиялари ва механизмларини, жамиятимизнинг мафкуравий иммунитетини кучайтиришга қаратилган самарали усул-услубларни ишлаб чиқиш, давлат ва жамоат ташкилотлари учун тегишли тавсия ва таклифлар тайёрлаш масаласига алоҳида эътибор қаратиш.

Қарорга биноан, Республика "Маънавият ва маърифат маркази" Республика Маънавият ва маърифат кенгашининг амалий тарғибот йўналишида фаолият олиб борадиган Республика Маънавият тарғиботи марказига айлантирилади. Тарғибот марказининг асосий вазифалари қуйидагилардан иборат:

маънавиятнинг маъно-моҳияти, миллий маънавиятимизнинг қадимий илдизлари, ноёб ва бетакрор намуналари, бугунги кундаги ривожланиш тамойиллари ҳақида аниқ мақсадга қаратилган тарғибот ишларини мунтазам равишда олиб бориш;

аҳолининг кенг қатламлари, авваламбор ёшлар ўртасида Ватанга муҳаббат ва садоқат, инсонпарварлик фазилатларини тарбиялаш, миллий урф-одат, анъана ва қадриятларнинг ҳаётимиздаги ўрни ва аҳамиятини ҳар томонлама очиб беришга йўналтирилган суҳбат ва учрашувлар, маърифий тадбирлар ўтказиш;

бугунги кунда амалга оширилаётган давлат сиёсатининг устувор йўналишлари, кенг кўламли ислоҳотларнинг моҳияти, қабул қилинган қонун ҳужжатлари ва давлат дастурларининг аҳамиятини атрофлича шарҳлаш ва тушунтириш, юртимизга қарши қаратилган ғоявий ва информацион хуружлар, уларнинг ортида турган кучларнинг ғаразли мақсадларини фош қилиш, одамларни ҳушёрлик ва огоҳликка даъват этиш, олимлар, сиёсатчи ва мутахассислар, ижодкор зиёлилар иштирокида жойларда самарали тарғибот тизимини йўлга қўйиш;

ота-она, оила ва маҳалла, тарихий хотира, миллий ғурур, комил инсон тарбияси билан боғлиқ туйғу ва тушунчаларни ёш авлод қалби ва онгига таъсирчан усул-услублар орқали сингдириш, аждодларимизнинг бу борадаги меросини бугунги тараққиёт талаблари билан узвий ҳолда ривожлантириш, тарғибот ишларини миллий ва умумбашарий қадриятлар уйғунлиги асосида ташкил этиш;

юртдошларимизни муқаддас ислом дини ва фалсафаси, азиз-авлиёларимизнинг ибратли ҳаёти, қутлуғ қадамжоларига, бошқа диний конфессияларга нисбатан ҳурмат-эҳтиром ва бағрикенглик руҳида тарбиялаш, жамиятимизда соғлом турмуш тарзи, миллатлараро тотувлик, ўзаро меҳр-оқибат муҳитини мустаҳкамлаш бўйича маънавий-маърифий дастурларни амалга ошириш.

Миллий ғоя тарғиботи, маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш вазифаси, энг аввало, ижодкор зиёлилар зиммасига катта масъулият юклайди. Зеро, маънавият тарғиботчилари бўлмиш зиёлиларнинг одамлар қалбига етиб борувчи таъсирчан сўзи, таҳлилий кузатувлари, огоҳликка чорлови ҳамма замонларда ҳам жамият маънавий ҳаётида муҳим аҳамият касб этган. Бугунги глобаллашув шароитида дунёда, ён-атрофимизда кечаётган мураккаб жараёнларни, турфа хил давлатларнинг манфаатлари ўзаро тўқнаш келиши оқибатида юз бераётган воқеа-ҳодисалар моҳиятини очиб беришда, тажовузкор кучларнинг ғаразли ниятларини фош этишда, эл-юрт осойишталигини таъминлашда адабиёт ва санъат арбоблари, фан ва маданият намояндалари ҳамиша фаол бўлишлари керак. Мустақиллигимизнинг ўн беш йиллиги арафасида мамлакатимизнинг барча вилоятларида шоир ва ёзувчилар, таниқли санъаткорлар иштирокида ўтказилган маданий-маърифий тадбирлар, ижодий учрашувлар, ёшлар билан суҳбатлар маънавий тарғибот иши ҳамиша диққат-эътиборимизда бўлиши лозимлигини кўрсатди. Демакки, бу иш ҳар биримизнинг виждон ишимизга, эҳтиёжимизга айланиши зарур. Фақат шундагина кутилган натижага эришиш мумкин.

# МАНГУ БАРҲАЁТ ХОТИРА

Истиқлол туфайли миллатимиз, халқимиз шаъни, ор-номуси, ғурур-ифтихори, маънавияти ва миллий қадриятлари қайта тикланди. Мустабид тузумнинг турли даврларида қатағон қилинган, қатл этилган юзлаб юртдошларимиз, эл-юртимизнинг суюкли фарзандлари хотираси абадийлаштирилди, уларга юксак ҳурмат-эҳтиром кўрсатилди. Бундай хайрли ва савобли ишлар изчил давом эттирилмоқда.

Энг улуғ, энг азиз байрамимизнинг кенг нишонланиши олдидан бугунги дориломон кунларга етишишимизга сабабчи бўлган, юрт мустақиллиги, Ватан тараққиёти йўлида жонини фидо қилган ота-боболаримизни эслаш, уларнинг руҳи покларини шод этиш эзгу амаллардандир. Шу боис давлатимиз раҳбари Ислом Каримовнинг ташаббуси билан 2001 йилдан буён 31 август Қатағон қурбонларини ёд этиш куни сифатида мамлакатимизда кенг нишонланмоқда.

... 31 август. Тонг.

Юртбошимиз Ислом Каримов ташаббуси билан пойтахтимизда бунёд этилган "Шаҳидлар хотираси" ёдгорлик мажмуи янада гавжум бўлди. Зеро, улуғ байрамимиз нишонланаётган шукуҳли кунларда шаҳид кетган ватандошларимиз хотирасини ёдга олиш руҳимизни поклайди, ўтмишдан сабоқ чиқариб, бугунги ёруғ кунларимизни қадрига етиб яшашга, мустақиллигимизни мустаҳкамлашдек шарафли масъулиятни англашга ундайди. Бу ерда эл-юрт эъзозидаги кекса авлод вакиллари, илм-маърифат аҳли — зиёлилар, ҳукумат аъзолари ҳозир бўлишди.

Атрофга миллий мумтоз мусиқа садолари таралади. Қатағон қурбонлари хотирасига бағишлаб бунёд этилган рамзий қабр устидаги саккиз устунли улкан айвоннинг мовий гумбазида қуёш нурлари жилваланади. Ложувард гумбаз остидаги зарҳал ҳарфлар билан битилган **"Ватан озодлиги йўлида шаҳид кетганлар хотираси мангу барҳаётдир!"** сўзлари мунаввар тонг шуъласидан янада нурафшон тортади. Мустабид тузум йилларидаги машъум қатлларга гувоҳ бўлган Бўзсув эзгулик ва адолатнинг боқийлигидан сўзлаётгандек...

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Қатағон қурбонларини ёд этиш куни муносабати билан пойтахтимиздаги "Шаҳидлар хотираси" ёдгорлик мажмуида ўтган маросимда иштирок этди.

— Бундай ёдгорликни барпо этиб, аввало, бугунги ёруғ кунларга етиш учун курашларда шаҳид бўлган ота-боболаримиз руҳини шод этдик, — деди Юртбошимиз. — Мустабид тузум қурбонларига кўрсатилган бундай эҳтиром кишилардаги "дунёда адолат бор, у эртами-кеч, албатта, юзага чиқади" деган юксак ишончни мустаҳкамлайди. Қолаверса, бу дунёнинг ўткинчилиги, аммо эзгулик, инсон хотираси абадий эканини ҳар бир кишига, айниқса, ёшларимизга доимо англатиб туради.

Ҳар қандай обида унга ташриф буюрган, шу аснода ўзини қизиқтирган саволларга жавоб топган кишилар билан серфайз. Кишилар қадам босмайдиган эҳуд зарурат юзасидангина бирров йўқлаб қўйиладиган манзилларни том маънода обод гўша дейиш қийин. "Шаҳидлар хотираси" ёдгорлик мажмуида бунёд этилган "Қатағон қурбонлари хотираси" музейи ҳам шунчаки зиёратгоҳ бўлиб қолмасдан, кишиларни, айниқса, ёшларимизни тарихдан сабоқ чиқариб, бугунги дориломон кунларимизнинг қадрига етиб яшашга ундовчи севимли масканлардан бирига айланмоғи лозим, деди Юртбошимиз. Бунинг учун, аввало, музейдаги экспонатларни доимий равишда янгилаб туриш, унинг хазинасини ўша давр руҳини акс эттирадиган буюм, жиҳоз ва маълумотлар билан бойитиб бориш даркор. Бу ерда мустабид даврнинг шоҳиди бўлган таррук кексаларимиз билан тез-тез мулоқотлар уюштириш, улар берган қимматли маълумотларни ёзиб олиб, келгуси авлодлар учун асраб-авайлаш яхши натижа беради. Бир сўз билан айтганда, "Қатағон қурбонлари хотираси" музейини тўлақонли маънавий-маърифий масканга айлантириш учун уни кўпроқ тарғиб ва ташвиқ этиш зарур. Токи, унинг довруғи бутун мамлакатимиз бўйлаб ёйилсин, бу табаррук мажмуага қалб амри билан ташриф буюрадиган кишилар янада кўпайсин.

Инсондан нима қолади? Албатта, унинг қилган эзгу амаллари, ишлари, бунёдкорликлари қолади. Бунга ХХ аср бошида халқимиз орасидан етишиб чиққан Бехбудий, Мунаввар қори, Фитрат, Чўлпон, Қодирий, Боту, Элбек сингари кўплаб маърифатпарвар боболаримизнинг курашчан ҳаёти ва фаолияти ёрқин мисол. Уларнинг Ватанни озод кўриш орзуси, шу йўлда амалга оширган эзгу ишлари истиқлол туфайли рўёбга чиқди. Бугун озод ва обод юртимизда ҳеч кимдан кам бўлмаган, ҳар жиҳатдан баркамол авлод вояга етмоқда.

Мустақиллигимизни кўз қорачиғидек асраб-авайлаш, мустаҳкамлаш, эл-юрт ва халқига садоқат сингари муқаддас тушунчаларни бугунги ёш авлод онгига чуқур сингдиришимиз лозим. Негаки, ватанпарварлик ғояси онгига чуқур муҳрланган, дунёқараши кенг, ҳар жиҳатдан билимдон, зукко ва ҳамиша огоҳ авлодни ҳеч ким енголмайди. Элим деб, юртим деб ёниб яшаётган бундай навқирон авлодга четдан ҳеч ким ўз таъсирини ўтказа олмайди.

Истиқлол йилларида қўлга киритаётган ютуқларимиз, амалга ошираётган улкан ишларимиз замирида эл-юрт манфаати, Ватан тараққиёти мужассам. Муҳими, юртимизнинг ҳар бир фуқароси йилдан-йилга мустақилликни мустаҳкамлашдек масъулиятли жараённинг онгли ва фаол иштирокчисига айланмоқда. Аждодларимиз хотирасини шод этиб, юрт тинчлиги ва эл фаровонлигини таъминлашда ўзини бурчли деб билган, Ватан тақдирига дахлдорлик туйғуси билан яшаётган халқимиз кўзлаган манзиллар, шак-шубҳасиз, нурлидир. Демак, мустақиллигимиз абадийдир.

**Норали ОЧИЛОВ,**
**ЎзА**

# МУСТАҚИЛЛИК ВА ЭЗГУЛИК МОНУМЕНТИ ЗИЁРАТИ



**Истиқлол йилларида Мустақиллик майдони пойтахтимизнинг улкан меъморий ансамблига айланди. Президентимиз Ислом Каримов ташаббуси ва раҳнамолигида бу ерда амалга оширилган бунёдкорлик ишлари бош майдонимизнинг наинки манзарасини, айни чоғда мазмун-моҳиятини ҳам тубдан ўзгартириб юборди.**

Мустақиллик монументи, Хотира майдони барпо этилди. Эзгулик аркаси, айниқса, Бахтиёр она ҳайкалининг қад ростлаши ушбу обидаларга беқиёс уйғунлик ва улуғворлик бағишлади.

Мустақиллик монументи ва Бахтиёр она ҳайкали, Эзгулик аркаси, оқ поёндоз шаклидаги кенг йўлак биргаликда яхлит ансамбл ҳосилланади. Бу ёдгорлик мажмуи Мустақиллик ва эзгулик монументи, деб аталади. Эндиликда юртимизга ташриф буюрган хорижий мамлакатларнинг давлат раҳбарлари ва ҳукумат бошлиқлари, давлат ва жамоат арбоблари ушбу ёдгорликка таъзим бажо этиб, халқимизга, юртимизга ҳурмат-эҳтиром кўрсатмоқдалар. Ҳамюртларимиз, ёшларимиз, айниқса, янги ҳаётга қадам қўяётган келин-куёвларнинг шу файзиёб қадамжони зиёрат қилиши яхши анъанага айланди.

31 август куни эрталаб Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Мустақиллик ва эзгулик монументини зиёрат қилиб, истиқлол ва эзгулик тушунчаларининг рамзий ифодаси бўлмиш Бахтиёр она ҳайкали пойига гулчамбар қўйди. Бундан буён умумхалқ байрамларида, турли тантанали маросимларда ушбу обида пойига гулчамбар қўйиш маросими расмий таомил мақомини олди.

Ўзбекистон Республикаси парламенти, Вазирлар Маҳкамаси, вазирликлар ва давлат қўмиталари, концерн ва корпорациялар, муассаса ва уюшмалар, жамоат ташкилотлари номидан ёдгорлик пойига гулчамбарлар қўйилди.

Шу куни Мустақиллик майдони ҳар қачонгидан гавжум бўлди. Кечгача бу ерга узоқ-яқиндан келиб-кетувчиларнинг қадами узилмади. Фарзандини бағрига босиб турган мунис она сиймоси — Бахтиёр она ҳайкали пойи кун давомида анвойи гулларга бурканди.

**Ғ.МИРЗАЕВ,**
**ЎзА мухбири**



**Дилшод ЮСУПОВ, Сарвар ЎРМОНОВ (ЎзА) олган суратлар.**

# «ТЕМУР ТУЗУКЛАРИ»НИНГ ЯНГИ НАШРИ

*Янгилик арафасида*

Тарихимизнинг дурдоналаридан бири, Соҳибқирон Амир Темур қаламига мансуб "Темур тузуклари"га бўлган қизиқиш мустақилликка эришганимиздан кейин жуда ҳам кучайиб кетди. Бу олқишларга сазовор ишдир. Кейинги йилларда журналлардан ташқари, бу нодир асар мамлакатимизда уч марта ўзбек тилида, шунингдек форс, рус, инглиз ва француз тилларида жаъми 178 минг нусхада нашр этилганлиги сўзимизни исботлаб турибди. Жаҳонда эса асар шу пайтгача турли тилларда ўн беш мартадан ортиқ босилиб чиқди.

Президентимиз Ислом Каримовнинг 2005 йил 25 июлда қабул қилинган қарорида Соҳибқирон Амир Темур таваллудининг 670 йиллигига тайёргарлик ишларини Қарши шаҳрининг 2700 йиллиги тадбирлари билан уйғунлаштирилган ҳолда олиб борилиши кўзда тутилди. Шу муносабат билан Халқаро Амир Темур жамғармасида маълум ишлар амалга оширилмоқда, хусусан, Амир Темур даврига оид манбаларни чоп қилиш, у давр ҳақидаги китобларни чиқаришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. "Темур тузуклари", "Ўзбекистоннинг атоқли тарихчи олимлари" китоблари ўқувчилар қўлига бориб тегди. Юздан ортиқ темурийлар даври ва мустақил Ўзбекистон тангалари суратларини ўз ичига олган рангли "Амир Темур ва темурийлар сулоласи молия-пул сиёсати" китоби нашриётга топширилди. Ана шу эзгу ишлардан бири сифатида жамғарма илмий кенгаши қарорига кўра "Темур тузуклари" ўзбек, рус ва инглиз тилларида безакли, улуғ мусаввир Камолиддин Беҳзод миниатюралари билан зийнатланган ҳолда нашрга тайёрланмоқда.

"Темур тузуклари" ғаройиб тақдирга эга бўлган ёдгорликдир. Ушбу китоб салтанатнинг сири сифатида, айниқса, ягона нусха эканлиги назарда тутилса (бундай китоблар нодирлиги нуқтаи назаридан нусхаси атай кўпайтирилмайди) пинҳон сақланганлиги ўз-ўзидан равшан бўлади. Унда жамланган тузуклар, гарчи амалда эса-да, асарнинг мавжудлиги яширин тутилган, дейиш мумкин. Саройда воқеалар дафтари юритилган, уни бир неча котиблар турли тилда тўлдириб борганлар. Бу ҳақда "Тузуклар"да маълумот бор. Улардан Ғиёсиддин Али, Низомиддин Шомий, Шарафиддин Али Яздийлар ўз асарларини ёзишда унумли фойдаланганлар. Низомиддин Шомий "абадиятга улангур давлатнинг тарихи онҳазрат учун ёзилганлиги"ни айтганда, ўша дафтарларни назарда тутгани аниқ. Муаррих дафтарлардаги воқеаларни «боб-боб қилиб тартиб беришга машғул бўлади...". Лекин ҳозиргача бевосита дафтарлардан биронтаси ҳақида ҳам маълумотга эга эмасмиз.

"Тузуклар"да воқеалар 1404 йил билан якунланади. Амир Темур вафотидан кейин Халил Султон бошбошдоқлиги даврида нодир китоб ғанимлар қўлига тушиб беркитиб ташланган бўлса эҳтимол. Ягона асл нусха Яман ҳокими Жаъфар поша кутубхонасига қандай қилиб тушиб қолгани, Абу Толиб Ҳусайний ат-Турбатийнинг форсчага таржима қилгани ёлғиз Аллоҳга аён. Таржимон, муқаддимада бу асар соҳибқиронга тегишли эканлиги, туркийда ёзилганлигини алоҳида таъкидлаб ўтади... Ва ниҳоят, "Тузуклар"нинг асл нусхаси ҳозиргача топилмай келаётгани, умуман, ақл бовар қилмас нарсадир. Олимларимиз томонидан бу борада давом эттирилаётган изланишлар ўз самарасини беради, деб умид қиламиз.

"Тузуклар"ни илк бор эски ўзбек тилидан (туркийдан) форсчага ўгирган ва шу билан унинг кенг ёйилишига сабабчи бўлган аллома Мир Абу Толиб Ҳусайний ат-Турбатийга чуқур эҳтиромимизни билдирамиз. Инглиз олимлари Майор Уайт форсча матнни тайёрлади, Майор Деви инглизчага таржима қилди, "Тузуклар" икки тилда бир муқовада 1783 йилда Оксфордда (Буюк Британия) нашр этилди. Нашрнинг илк саҳифасида Майор Деви мазкур китоб Улуғ Темур томонидан ёзилганлигини, уни Абу Толиб Ҳусайний биринчи бўлиб форс тилига таржима қилганини таъкидлайди, ўзининг таржимасига ўша нусха асос бўлиб хизмат этганини айтади.

Янги нашр учун айнан ушбу таржима танлаб олинди. Таржима инглиз тилидаги илк ва тўлиқ нусхадир, асарнинг дунёга тарқалишида асосан шу нашр катта аҳамиятга эга бўлди. Майор Деви асарга батафсил изоҳлар берган, кўрсаткичлар билан таъминлаган.

Бироқ таржимон, гарчи асар аслиятини кўрмаган эса-да, уни мўғул тилида ёзилган, деб янглиш маълумот беради. Туркий сўзларга изоҳ бера туриб, бу мўғул сўзи, тушуниб бўлмади, дейди. Шуниси диққатга сазоворки, нашрда анча-мунча туркий (ўзбекча) сўзлар ишлатилган. Масалан, улус, қўшун, аймоқ, (ҳарбий ислоҳлар, мансаб номлари эса жуда кўп), кўриниш, туркийзабон, йўл бўлсин, ноғора, туркий, чопқунчи, карвонсарой, пешона, тамға, беглербеги каби сўзлар ва ҳоказо. Бу нарса асарнинг туркийда ёзилганлигини, бу сўзлар форсча матнга, ундан инглизчага кўчиб ўтганлигини исботловчи далилдир. Умуман, асарнинг ўзбекча, форсча, инглизча нашрларини қиёсий ўрганиш янги илмий хулосаларга олиб келиши шубҳасиз.

Нодир асарнинг ўзбекча ва русча матни таржимонлар томонидан қайтадан кўриб чиқилди, зарур таҳрирлар киритилди. Халқаро Амир Темур жамғармаси, Ўзбекистон Фанлар академияси ва Ўзбекистон Республикаси Матбуот ва ахборот агентлиги ҳамкорлигида амалга оширилаётган ушбу нашр ишларида мамлакатимизнинг етук темуршунос олимлари ва адибларидан иборат таҳрир ҳайъати иш олиб бормоқда. Уларнинг ичида Ўзбекистон Қаҳрамони Абдулла Орипов, Ўзбекистон халқ ёзувчиси Пиримқул Қодиров, таниқли олимлар Асомиддин Ўринбоев, Дилором Юсупова, Ашраф Аҳмедов, Омонулла Бўриев, Убайдулла Уватов, француз олими Люсен Керен ва бошқалар бор. "Ўзбекистон" нашриёт матбаа ижодий уйининг тажрибали ижодий кучлари бу қутлуғ ишга жалб этилган. Китобда келтирилган номлар, этник атамалар, истилоҳлар, берилаётган изоҳлар синчиклаб кўздан кечириб чиқилмоқда, номлар ва атамаларни иложи борича бирхиллаштириш чоралари кўрилмоқда. Нашрни бойитиш маъносида Амир Темур қўшинлари тартиби, темурийлар шажараси, "Тузуклар"ни ўрганиш босқичларини кўрсатувчи схема, Амир Темурнинг Тўхтамишхон ва Боязид Йилдирим билан жанглари чизмаси, ёдгорликнинг кўҳна нашрлари, масалан, Оксфорд ва Бомбей нусхаларидан лавҳалар бериш, Камолиддин Беҳзод миниатюралари билан безаш таклиф этилмоқда. Шунингдек, китобда буюк бобомизни мустақил Ватанида қандай эъзозланиб, шарафланаётганлигини акс эттирувчи суратлар ҳам жой олади, сўз боши ва "Темур тузуклари" тарихига бағишланган мақоладан ташқари кўрсаткичлар, киши, жой номлари ва атамалар ҳам илова қилинади.

Шукрлар бўлсинки, Амир Темур бобомиз ҳақидаги ҳақиқат ва адолат тобора юзага чиқиб келмоқда. Маданиятимиз хазинасини бойитиб турган "Темур тузуклари"нинг уч тилда амалга оширилаётган янги нашри ана шу адолат йўлидаги ажойиб қадамлардан бири бўлиб қолади.

**Муҳаммад АЛИ,**
**Халқаро Амир Темур жамғармаси раиси,**
**Ўзбекистон халқ ёзувчиси**

# ЭСДАЛИК НИШОНЛАРИ ТОПШИРИЛДИ

Ўзбекистон Республикаси Президентининг шу йил 19 июндаги Фармонига биноан "Ўзбекистон Республикаси мустақиллигига 15 йил" эсдалик нишони таъсис этилган эди. Куни кеча Ёзувчилар уюшмасида давлатимиз мустақиллигини, маданий ва маънавий салоҳиятини мустаҳкамлаш, Ватаннинг муносиб ёш авлодини тарбиялаш ишида фидокорлик намуналарини кўрсатаётган бир гуруҳ ижодкорларга давлатимиз раҳбари номидан "Ўзбекистон Республикаси мустақиллигига 15 йил" эсдалик нишонлари тантанали равишда топширилди. Ёзувчилар уюшмасида, "Ўзбекистон адабиёти ва санъати" ҳафталиги, "Шарқ юлдузи", "Жаҳон адабиёти" журналларида узоқ йиллардан бери самарали меҳнат қилаётган, ижодий фаоллиги билан бошқаларга ўрнак бўлиб келаётган ходимлар ушбу мукофотга сазовор бўлдилар.

Ёзувчилар уюшмаси раиси, Ўзбекистон Қаҳрамони Абдулла Орипов мукофотларни топширар экан, ижодкор зиёлиларнинг мустақилликни мустаҳкамлаш, истиқлол ғояларини тарғиб этиш, Ватанимиз тинчлиги, халқимизнинг омонлигини таъминлашдаги масъулиятига алоҳида тўхталиб ўтди. Бугун дунёда шундай мураккаб жараёнлар кечмоқдаки, ижодкорлар бунга бефарқ бўлиши, воқеа-ҳодисалар моҳиятини ёш авлод қалби ва онгига етказиш ишидан четда туриши мумкин эмас.

Мукофотланганлар ўз сўзларида бундан буён ҳам мамлакатимиз маданий-маънавий ҳаётида фаол иштирок этишларини, зиммаларига юкланган масъулиятни сидқидилдан бажаражакларини таъкидладилар.

# МУКОФОТЛАР МУБОРАК

**Боши биринчи бетда.**

**"Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган артист"**

**Абдуллаев Рустам Мамаражабович** — Маннон Уйғур номидаги Тошкент давлат санъат институти ўқитувчиси, хонанда

**Алиев Убайдулла Мамадвалиевич** — Фарғона вилоят академик ва халқ бадиий жамоалари дирекцияси раҳбари, хонанда

**Бердиев Йўлдош Арзикулович** — Қарши шаҳридаги "Мулоқот" театр-студияси актёри

**Боботиллаева Маҳлуза Убайдуллаевна** — Ўзбек Миллий академик драма театри актёри

**Жабборова Карима Эрназаровна** — Республика қўғирчоқ театри актёри

**Искандарова Малика Сайидаҳмедовна** — Ўзбекистон Ёшлар театри актёри

**Йўлдошев Ҳотамжон Алижонович** — Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон давлат академик катта театри опера хонандаси

**Мамазоитова Гулсанам Мамадалиевна** — "Ўзбекнаво" эстрада бирлашмаси хонандаси

**Мўминова Нодира Пардаевна** — Садриддин Айний номидаги Бухоро вилоят мусиқали драма театри актёри

**Раҳимов Эркин Исломович** — Республикада хизмат кўрсатган хор жамоаси артисти

**Раҳимова Дилфуза Болтаевна** — "Ўзбекнаво" эстрада бирлашмаси хонандаси

**Сержанов Кенесбай Жумабаевич** — Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон давлат академик катта театри опера хонандаси

**Тожибоев Алижон Тошпўлатович** — Алишер Навоий номидаги Наманган вилоят мусиқали драма театри актёри

**Турпишева Марина Романовна** — "Илҳом" театри актёри

**Тўраева Райҳон Умаровна** — Мукимий номидаги Ўзбек давлат мусиқий театри актёри

**Чориев Чоршанби** — Маннон Уйғур номидаги Сурхондарё вилоят мусиқали драма театри актёри

**Элтоева Лола Суюновна** — Ўзбек Миллий академик драма театри актёри

**Эшчанов Ғофур Муҳаммедович** — Хоразм вилоят академик ва халқ бадиий жамоалари дирекцияси хонандаси

**Эшчанов Ғулом Муҳаммедович** — Хоразм вилоят академик ва халқ бадиий жамоалари дирекцияси хонандаси

**Юнусова Мақсадхон Неъматовна** — Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон давлат академик катта театри опера хонандаси

**"Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган ёшлар мураббийи"**

**Иброҳимов Жаҳонгир Акбарович** — Р.Глиэр номидаги республика махсус мусиқа академик лицейи директорининг ўқув ишлари бўйича ўринбосари

**Неймер Владимир Борисович** — Ўзбекистон давлат консерваторияси доценти, дирижёр

**Ризамуҳамедов Раҳимжон Зокирович** — Камолиддин Беҳзод номидаги Миллий рассомлик ва дизайн институти доценти, рангтасвирчи

**Юлдашева Саодат Назировна** — Абдулла Қодирий номидаги Тошкент давлат маданият институти халқ ижодиёти кафедраси мудири, профессор

**"Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган журналист"**

**Адильшаева Ленуре Вейсовна** — Жиззах вилоят телерадиокомпанияси катта муҳаррири

**Каримжонов Комилжон** — "Ўзбекистон" телеканалининг "Ахборот" бош муҳарририяти шарҳловчиси

**Ҳайдаров Абдунаби** — "Халқ сўзи" газетаси бўлим муҳаррири, публицист

**"Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган маданият ходими"**

**Акбаров Абдураҳмон Турғунович** — Чўлпон номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи муҳаррири

**Бродянский Вячеслав Маркович** — Самарқанд вилояти рус драма театри бош режиссёри

**Енин Валерий Иванович** — Ўзбекистон Бадиий ижодкорлар уюшмаси аъзоси, рангтасвирчи

**Калимбетов Торенияз Жумабаевич** — "Қорақалпоқкино" агентлиги директори

**Кенжабоев Қамчибек (Қамчибек Кенжа)** — Ёзувчи, публицист

**Матёкубов Матрасул** — Ўзбекистон давлат консерваториясининг катта ўқитувчиси, созанда

**Мусажонова Гулмира Фарҳодовна** — «Ўзбекистон» телеканалининг "Оддий ҳақиқатлар" кўрсатуви муаллифи ва бошловчиси

**Норқобилов Нормурод Норқобилович** — "Ўзбекистон" телеканалининг "Маданий-маърифий ва бадиий дам олиш дастурлари" бош муҳарририятининг "Қадрият" бўлими бошлиғи, ёзувчи

**Слоним Андрей Евсеевич** — Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон давлат академик катта театри режиссёри

**Тошев Жаббор Сатторович** — Қашқадарё вилоят телерадиокомпанияси режиссёри

*Халқимизнинг илм—зиё салоҳияти ва маънавиятини юксалтириш, фан, таълим, маданият, адабиёт, санъат, соғлиқни сақлаш соҳаларини ривожлантиришдаги катта хизматлари, Ватанимиз мустақиллигини, юртимиздаги тинчлик ва барқарорликни мустаҳкамлаш ишига қўшган муносиб ҳиссаси ҳамда кўп йиллик жамоатчилик фаолияти учун қуйидагилар мукофотлансин:*

**"Буюк хизматлари учун" ордени билан**

**Қодиров Пиримқул** — Ўзбекистон халқ ёзувчиси

**Мавлонова Раҳима Абдураззоқовна** — Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университетининг бошланғич таълим ва тарбиявий иш кафедраси профессори

**"Фидокорона хизматлари учун" ордени билан**

**Барноев Акбархон Акмалович** — Самарқанд қурилиш ва миллий ҳунармандчилик касб-ҳунар коллежининг ишлаб чиқариш таълими устаси

**Мадреимов Полат Шамшетович** — "Айқулаш юлдузлари" Қорақалпоқ давлат миллий фольклор ансамбли бадиий раҳбари ва бош балетмейстери

**Шапиро Владимир Михайлович** — Ўзбекистон академик рус драма театри бадиий раҳбари

**"Меҳнат шуҳрати" ордени билан**

**Каримов Абдулҳақ** — "Ҳунарманд" уюшмаси аъзоси, тўқувчи

**Мансуров Шомуҳиддин** — "Ўзбекистон" нашриёт-матбаа ижодий уйи бош муҳаррири

**Мадалиев Масъуджон Маҳмудович** — "Устазода" унитар корхонаси кандакор устаси

**Пирматов Тешабой Исаевич** — Ўзбекистон Бадиий ижодкорлар уюшмаси аъзоси, рангтасвирчи

**Тоҳиров Ўткир Дадақўзиевич** — Маданият ва спорт ишлари вазирлигининг республика халқ ижодиёти ва маданий-маърифий ишлар илмий-методик маркази раҳбари ўринбосари

**Ғафуров Абдужаббор** — "Ўзбекистон" телеканалининг овоз режиссёри

**Ҳамроев Шодиқул Эшович** — "Инсон ва қонун" газетаси бош муҳаррири

*Мамлакатимизда ҳар томонлама соғлом ва баркамол авлодни вояга етказиш ишига қўшган катта ҳиссаси ҳамда ёшларни Ватанга муҳаббат, истиқлол ғояларига садоқат, соғлом турмуш тарзи тамойиллари руҳида тарбиялашдаги хизматлари учун қуйидагилар мукофотлансин:*

**I даражали "Соғлом авлод учун" ордени билан**

**Убайдуллаева Муяссар Фозиловна** — Тошкент шаҳар Шайхонтоҳур туманидаги 186-мактабнинг мусиқа таълими ўқитувчиси

*Юртимизда тинчлик-тотувлик, миллатлараро дўстлик ва ҳамжиҳатликни мустаҳкамлаш, жамиятда меҳр-оқибат ва бағрикенглик ғояларини қарор топтириш борасидаги хизматлари ҳамда ижтимоий ҳаётнинг турли соҳаларида қўлга киритган ютуқлари билан Ватанимиз обрў-эътибори ва шон-шуҳратини юксалтиришга қўшган ҳиссаси учун мустақил юртимизнинг нуфузли орден ва медалларига сазовор бўлганлар сафида қуйидагилар бор:*

**"Дўстлик" ордени билан**

**Гармаш Людмила Михайловна** — "Ўзбектелефильм" хроникал-ҳужжатли фильмлар ижодий-ишлаб чиқариш бўлими кинорежиссёри

**Маҳмудов Ғофуржон** — "Овози Самарқанд" газетаси бош муҳаррири

**Мирсагулова Назирахон Ҳабиевна** — Ўзбекистон миллий телерадиокомпанияси республика телерадиомарказининг Ўзбекистон радиоси овоз ёзиш оператори

**Мукимов Каромат Аҳмедович** — Бухоро вилояти халқ ижодиёти маданий-маърифий ишлар илмий-услубиёт маркази қошидаги "Тилло нохун" мусиқа асбобларини ясаш ва таъмирлаш тўгараги раҳбари

**Стацура Анна Кирилловна** — Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси бўлим мудири

**Умарова Зуҳра Илҳомовна** — "Ўзбекфильм" киностудияси монтаж устаси

**Усмонов Баҳром Акрамович** — Ўзбекистон миллий телерадиокомпанияси "Спорт" телерадиоканалининг "Болалар спорти, оммавий спорт ва халқ ўйинлари" муҳарририяти бош муҳаррири ўринбосари

**Шалхарова Алия Богдановна** — Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон давлат академик катта театри қошидаги "Офарин" замонавий рақс театри бадиий раҳбари

*Мамлакатимизда амалга оширилаётган маънавий—маърифий ва ижтимоий ислоҳотлардаги фаол иштироки, самарали меҳнати, ёш авлодни Ватанга муҳаббат, миллий ва умуминсоний қадриятларга садоқат руҳида тарбиялаш ишига қўшган ҳиссаси учун қуйидагилар мукофотлансин:*

**"Шуҳрат" медали билан**

**Алавуддинова Мукамбар Абдимўминовна** — "Ўқитувчи" нашриёт-матбаа ижодий уйининг босмахона ишчиси

**Алиева Зулфия Каримовна** — Ўзбекистон миллий телерадиокомпанияси "Машъал" радиоканали мутахассиси

**Барашкин Николай Иванович** — "Правда Востока" газетасининг Жиззах вилояти бўйича мухбири

**Дильманов Илья Оракбаевич** — "Фидокор" газетасининг Қорақалпоғистон Республикаси бўйича мухбири

**Иртаев Илҳом Содиқович** — Т.Жалилов номидаги давлат академик халқ чолғулари оркестри яккахон созандаси

**Маткурбонов Курбонбой** — "Маърифат" газетасининг бўлим муҳаррири

**Мирпўлатов Шерзод Миракбарович** — "Ўзбекистон" телеканали "Ижтимоий-сиёсий ва социал-иқтисодий дастурлар" муҳарририятининг бош режиссёри

**Мусаева Зилола Баҳодировна (Шаҳзода)** — "Тарона концерт" масъулияти чекланган жамиятнинг яккахон хонандаси

**Насриддинова Матлуба Қўзиевна** — "Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компаниясининг муқовалаш цехи машинисти

**Николаев Виктор Никитович** — Ўзбекистон Миллий ахборот агентлигининг республика ахборот таҳририяти бош муҳаррири ўринбосари

**Панфилов Виктор Юрьевич** — "Ўзбекистон" нашриёт-матбаа ижодий уйи чоп этувчиси

**Шамсиев Ғайрат Абдусатторович** — Ўзбекистон миллий телерадиокомпанияси республика телерадиомарказининг телевидение ва радио кўчма техникаси хизмати (ПТС) смена бошлиғи

**Шоймардонов Ибодулла Элмирзаевич** — "Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси бош таҳририятининг бош муҳаррири ўринбосари

**Ҳайитов Адҳам** — Самарқанд вилояти "Зарафшон" газетаси масъул котиби

**Ҳамроева Муҳаббат Атоевна** — "Ёшлар" телерадиоканалининг ҳарбий-ватанпарварлик тарбияси дастурлари бош муҳарририяти катта муҳаррири

# АҒАР ОСМОН БЎЛСАНГ, ЮРТИНГ УЧУН БЎЛ!

Охунжон ҲАКИМ,
Ўзбекистон халқ шоири

### ҲАР БИРИ

*Эй, Ватан, фарзандларинг мардонавордир ҳар бири,*
*Мисли лочин, мисли бургут, мисли сордир ҳар бири.*

*Онадек англаб сени, фармонларингга шай бўлиб,*
*Сен она тупроқ учун жони нисордир ҳар бири.*

*Ўзбекона хислатингни кўксига жо айлаган,*
*Шоҳимардоний насимдек беғубордир ҳар бири.*

*Ҳам закийдир, ҳам сахийдир, қалби оташ, кифти тоғ,*
*Илму урфон бобида дунёча бордир ҳар бири.*

*Тупроғингнинг заррасин-да тўтиё янглиғ билиб,*
*Сарҳадингда қоялардек барқарордир ҳар бири.*

*Барчасининг қалби чўғ, сендан буюкроқ бахти йўқ,*
*Жонлари сенга туташ, сенга мадордир ҳар бири.*

*Биз Муқанна зурриёди, Мангуберди насли деб,*
*Олам ичра сарбаланду пурвиқордир ҳар бири.*

*Ҳар бирининг кўксида бордир яшинлар шиддати,*
*Сен учун гар даркор эрса, сарбадордир ҳар бири.*

### АГАР ЎҒЛОН БЎЛСАНГ...

*Истиқлолинг — буюк неъмат, юртдошим,*
*Асли у жондан ҳам қиммат, юртдошим.*
*Унинг байроғини қароғингдек бил,*
*Муҳаммадга бўлгин уммат, юртдошим!*
*Ўғлон бўлсанг агар, юртинг учун бўл,*
*Қурбон бўлсанг агар, юртинг учун бўл!*

*Боғларимга зоғлар қўнмасин дея,*
*Истиқлолим шаъми сўнмасин дея,*
*Қулликдан қутулган юртимдан қайта*
*Истибдод уруғи унмасин дея,*
*Агар гирён бўлсанг, юртинг учун бўл!*
*Агар қурбон бўлсанг, юртинг учун бўл!*

*Билсанг, Тўмарислар, Мангубердилар,*
*Муқанналар сену мендек эрдилар.*
*Ётлар топтамасин тупроғимни деб,*
*Ўту оташларга тикка кирдилар!*
*Сен-да посбон бўлсанг, юртинг учун бўл!*
*Агар қурбон бўлсанг, юртинг учун бўл!*

*Кимнинг йўли бўлса Ватандан айро,*
*Бошига ёғилгай минг бир хил бало.*
*Бундай қаро кунни, қаро қисматни*
*Эгам бандасига кўрмасин раво!*
*Агар осмон бўлсанг, юртинг учун бўл!*
*Агар қурбон бўлсанг, юртинг учун бўл!*

*Юртингга омонлик тила Оллоҳдан,*
*Ва асра ёмон кўз янглиғ балодан.*
*Отанг шу Ватандир, онанг шу Ватан,*
*Уни кам кўрмагин Маккатиллодан!*
*Агар арслон бўлсанг, Ватан учун бўл!*
*Агар қурбон бўлсанг, юртинг учун бўл!*

# СУВИ ҲАМ, ҚУМИ ҲАМ ЗАРАФШОН ЮРТИМ

Сирожиддин САЙИД,
Ўзбекистон халқ шоири

### ИЗҲОР

Бир тилим ҳандалак, бир тилим ҳилол
Минг йил кўз ўнгимдан кетмагай ҳаргиз.
Сен — мангу халқдирсан, ризқ-рўзи ҳалол,
Мен — сендан тарқаган, қўкарган илдиз.
Одам атолардан нишоним дедим,
Сени бобом дедим, деҳқоним дедим.

Элин билмаганлар юртин қарғарлар,
Миннат қилганлар бор берган ош-нонин.
Кетди боғларингни босган қарғалар,
Азал булбулларга ғўзал ошёним.
Тўрғайларга ўнғай маконим дедим,
Сени бағрим дедим, осмоним дедим.

Амир Темурлардан қолган номус-ор,
Бир синиқ ғишти ҳам шараф-шон юртим.
Сен — ўлмас ғурурсан, сўнмас ифтихор,
Суви ҳам, қуми ҳам зарафшон юртим.
Асрлар жўш урган дил қоним дедим,
Туғи абад баланд қўрғоним дедим.

Сен — ўн бешга тўлган отажонимсан,
Бешигинг ислари кетмаган ҳали.
Тожу тахтим менинг, зўр имконимсан,
Бори тириклигим, умрим сайқали.
Сени — қошу кўзим, мижгоним дедим,
Ўз уйимда ўсган султоним дедим.

Менинг бу дунёда бошқа онам йўқ,
Онажоним ўзинг — танҳо, ягонам.
Сен борсан — сўзимнинг бошоқлари тўқ,
Сен борсан — тинмагай тилдан таронам.
Сенга садқа бўлсин бу жоним дедим,
Сени жоним дедим, жаҳоним дедим.

Халқ бўлиб заминда кўз очган кундан
Қанчалар меҳнату миннат кўрдик биз.
Асли Истиқлолнинг ғояси шундан,
Жон чекиб, муҳташам давлат қурдик биз.
Эзгулик даргоҳим, майдоним дедим,
Оламга очилган айвоним дедим.

Дунё ҳам бўлиниб тулпор, отларга,
Қувончу ғам деган тарафлар бўлгай.
Лекин эл-юртим деб ўтган зотларга
Абадият қадар шарафлар бўлгай.
Бир тонгда ушалган армоним дедим,
Кетмас бўлиб келган давроним дедим.

### ЁТИБЛАР ИЧГАН СУВЛАРИМ

Ёш чоғларимдан севмишим —
ётиблар ичган сувларим.
Армони йўқ ёзу қишим —
ётиблар ичган сувларим.

Ҳовучларимда — тоғу тош,
ҳовучларимда — ой, қуёш,
Шундан қуёшдек балқишим,
ётиблар ичган сувларим.

Қонимда минг боғбон менинг,
ичган ота, бобом менинг,
Аждодларим ҳам кечмишим,
ётиблар ичган сувларим.

Мен жон ва тан ўрганмишам,
Сиздан Ватан ўрганмишам,
Шаъну шараф ҳам олқишим,
ётиблар ичган сувларим.

Кўчатларим боғ бўлгуси,
қўксим менинг тоғ бўлгуси,
Фахрим яна оройишим,
ётиблар ичган сувларим.

Токи ҳаёт бўлгай ҳаёт,
шеъру баёт бўлгай ҳаёт,
Шулдир менинг олий ишим,
ётиблар ичган сувларим.

Жонимни минг тўрғай қилиб,
меҳримни ҳам улғайтириб,
Пишди менинг дил кишмишим,
ётиблар ичган сувларим.

Сиз мен учун — мангу қасам,
кўнглим келиб бир чайқасам,
Оламда қолмас ташвишим,
ётиблар ичган сувларим.

### ЯХШИЛИК

Яхшилик қил — элу юртинг,
дўсту ёру бегонага яхшилик қил.
Энг аввало — ўз онангга,
Ҳеч бўлмаса — ўз онангга
ўхшайдиган бир онага яхшилик қил!

# ОЛИС ХОТИРАЛАР

## "УЗУМ САЙЛИ"

Кечқурун дастурхон устида гурунг бўлди — дадам эрталаб уч-тўрт улфати билан узум сайлига борадиган. "Мени ҳам олиб боринг" деб ёлвораман. Ҳовлимизда бир неча нав узум ўсади, аммо "сайил" сўзидаги ўзгача, байрамона руҳ мени ўзига тортади.

Фақат узум сайли деярли узумсиз ўтди. Кейин англасам, бу шунчаки чалғитувчи гап, «парол» экан.

Пахтазор, полиз, янтоқзор оралаб, икки чақиримча йўл юриб, узумзорга етиб бордик. Ихчам жуссали, мошгуруч соқол-мўйлабли Абдувоҳид қори кутиб олди. Сўриток тагидаги супага таклиф этди. Негадир катталарда на узумзорга, на узумхўрликка қизиқиш бор. Қолаверса, ҳали узум етилиб пишмаган. Улфатлардан бири ўзлари билан олиб келишган бозорликдан дастурхон тузади. Абдувоҳид қорининг зиёратдан мамнунлиги сезилиб турарди:

— Зап кебсизлар-да. Қани, қишлоқда нима янгиликлар?

Чамаси, қорининг чайласига меҳмон кам ораларди. Мен узумзорга аланглай-аланглай чарчадим-да, суҳбатга қулоқ тута бошладим. Аммо бирор гап уқмадим: Навоий, Фузулий, Машраб, Ҳувайдо, девон, "Қасида"...

Гурунг шу тарзда давом қилди. Кейин Абдувоҳид қори супадан тушиб, ишкомлар ичига кириб кетди. Катталар бир-бирига маъноли боқиб, ниманидир маъқуллагандай бош силкиб ўтиришди. Бироз ўтгач қори бува бир қўлида лаганда эртапишар узум, иккинчи қўлида қалин китоб билан қайтиб келди. Жойига ўрнашиб, бурнига кўзойнак қўндирди:

— Ҳазрати Навоий. «Чор девон».

У китобни, менинг назаримда, тескари томонидан, охиридан очди-да, кўзларини бир юмиб, бир китобга назар ташлаб, ўзига хос қироат билан ўқий бошлади. Катталар сел бўлиб ўтирар, қори бува айрим байтларни шарҳлаганида, кимдир "уҳ"лаб юборар, кимдир дастрўмоли билан кўзини артар эди. Ғазалхонлик қанча давом этганини билмайман, худди аллалагандай, ухлаб қолибман...

Шўро ҳукумати мавқеини мустаҳкамлаб олгач, янги алифбони жорий қилган 30-йилларнинг бошида унинг гумашталари дабдурустдан хонадонма-хонадон юриб эски ёзувдаги китобларни ёппасига йиғишга тушиб кетган. Нене китоблар гумдон қилинган. Биринчи навбатда диний мазмундагилари. Аммо хоҳ баёз бўладими, хоҳ ҳисоб-китобдан дарсликми — эски қўлёзмалар "Бисмиллоҳир-раҳмонир-раҳим" билан очилиб, Оллоҳга ҳамду сано билан бошлангани учун «китоб қатағончи»лари териб-таналаб ўтирмаган, бир четдан йиғиштириб кетаверган. Улардан қанчаси музейларга топширилган — энди Худонинг ўзи билади. Уддалаб қолганлар қўшсинч девор ичига тиқибми, сандал ўчоғи ёки охурнинг тагига кўмибми, китобларни асраб қолишга уринган, аммо йиллар ўтиб аксари ё чириб ёки сичқон кемириб, барибир хароб бўлган.

Мадраса таълимини кўрган Мулла Абдувоҳид "китоб қатағони" бошланиши билан бутун кутубхонасини иккита сандиққа жойлаб, эшакка ортиб, ярим тунда узумзорга чиқиб кетган. Уларни фақат ўзига маълум усул билан сақлаб қолган. Буни қишлоғимиздаги "оғзи маҳкам" кишиларгина билар, йилда бир-икки "узум сайли" ниқоби билан, навоийхонлик, бедилҳонликка чиқиб туришган.

Эскича китобларга тажовуз Сталин ўлганидан кейин анча сусайди. Аммо 50-йилларнинг охирроғи бўлса керак, аҳолининг қўлидаги "Қуръон"ларни йиғиб олиш хусусида яна хуруж бўлгани ёдимда.

Бора-бора эскича китобларга "тиши ўтадиган"лар ҳам жуда камайиб кетди.

Халқимиз араб ёзувидаги қўлёзмаларнинг барини, юқорида айтилган сабабга кўра, мўътабар санаган, қўлига олиши билан ўпиб пешонасига босишни урф қилган. Абдувоҳид бувага ўхшаганлар ҳатто ҳаётини гаровга қўйиб бўлса ҳам, уларни сақлаб қолган. Бугун музейларда қўлёзмаларни кўрганда ана шу китобларни битган, оққа кўчирган ва асраб-авайлаганларнинг ҳаққига дуо қилиб қўйиш — бурч.

## ТОҒАМ ҲИКОЯСИ

Талаба эдим, таътил бошланиб уйга борганда, дадам: "Яхши келдинг, Рустам тоғанг анча оғир, кўриб келамиз" дедилар.

Тоғам исми жисмига монанд, алп келбатли одам эди. Узоқ йиллар колхозда бригадир бўлган, ясатилган от миниб юрар, эгар устида яна ҳам салобатли кўринарди.

Бир сафар, ҳамон кинодай кўз олдимда, асрий қайрағочлар соясида юқори синф ўқувчилари мактабимизга янги олиб келинган штанга билан машқ қилишар эди, шу тобда тоғам ўтиб қолди. Штангани кўриб, отдан тушди-да, якин келди: "Қани, тошларини солинглар-чи. Яна, яна." Атрофдагилар ҳавас ва ҳаяжон билан лунжи осилиб томоша қилиб туришди. У "Қани, кўрайлик, ҳарбий хизматдаги қувватдан бормикан?" дея штангани боши узра даст кўтарди, икки марта кўкрагига тушириб "жим" машқини қилди, сўнг аста ерга қўйди-да отига миниб йўлига равона бўлди.

**Абдулла АЪЗАМОВ**

Ана шундай паҳлавон одам сўнгги йилларда оғир хасталикка чалиниб ётиб қолган — "меркаптофос" деган оғу оёқдан олган эди. Бу заҳар асли гитлерчилар ўйлаб топган қирғин қуроли бўлган. Совет олимларининг таклифига кўра пахтага тушган ўргимчакканага қарши дори сифатида ишлатила бошланган, яна ўғитлик хусусияти ҳам бор экан. То касаллар кўпайиб, унинг инсон организмига кучли таъсири аниқлангунча қўллайверилган. Самолётда сепилар эди. Водийда аҳоли зич, пайкаллар катта эмас, боши ҳам қишлоқ, этаги ҳам. Шунинг учун каналар қатори одамлар ҳам «насиба»сини олиб турган – ёз кунлари ҳафтада бир-икки нафасни бўғадиган ўткир ҳиди сасиб қолар эди.

Ана шу меркаптофос девдай тоғани чўпдай оздириб, оёғини босолмайдиган ҳолга келтирган. Боришимиздан олдинроқ ўғиллари тоғамни вилоят марказидаги энг йирик шифохонага олиб боришган экан, врачлар "оёқларини кесиш керак" деган хулоса чиқарибди.

Тоғам ётган хонага кирдик. У болишдан бошини бироз кўтарди, аввал дадам, кейин мен билан қучоқлашиб кўришди. Чамамда, сўнгги кунларда унинг аҳволи яна ҳам оғирлашган бўлса керак, кўриб дадамнинг киприкларида ёш йилтиллади. Ўзини чалғитиш учун гап бошлади:

— Нимага операцияга рози бўлмадинг, ука.

Тоғам хўрсинди:

— Рози бўлардим, "ҳақ"и уч минг экан (ҳозирги кўкидан уч минг дегандай гап).

— Топилмасмиди? Топиларди, — деди дадам.

— Ҳе, ака. Топилишга топиларди. Уйлайдиган ўғилларим, чиқарадиган қизларим турган бўлса. Бола-чақамга деб йиққан бор пулимни сарфлаб, устига қарз кўтариб, икки оёғимни кестириб келсам, чақалоқдай туваккa ўтириб яшайманми? Келинингиз ё жиянингизга «мени тўсиб қўйинглар» дейманми? Нима деган одам бўламан? Қўйинг, ўлганим яхши.

Энди мен ҳам чидаб туролмадим...

Кўп ўтмай тоғамнинг руҳига фотиҳа ўқишга боришга тўғри келди.

Операцияга уч минг пора талаб қилган жарроҳларнинг у дунёси қандай бўлади — кўнглим тўқ, бу дунёсини эса — билмадим.

## МЕҲР ВА САДОҚАТ ҲАҚИДА ҲИКОЯ

Одатда қишлоқ жойларда сигир тутувчилар кўп бўлади. Шунга яраша қатиқфурушлар ҳам. Биз сигир боқмас, қатиқни сотиб олар эдик. Эсимни таниб, дастёрликка ярайдиган бўлибманки, "қатиғи ширин» холангникига бориб кел, деган топшириқни бажаришга киришганман. Холанинг уйига икки маҳалла босиб борилади, йўл-йўлакай нечта қатиқфурушлар уйидан ўтилади. Йўқ, фақат "қатиғи ширин хола"ники ҳисоб. Лекин малол келмасди. Авваламбор, қатиғи чиндан ҳам ширин эди, қолаверса, муомаласи ундан ҳам чучукроқ, ўзбек тилида ажиб бир шева билан сўзлар, доим кулимсираб гапирар, муштдай бошим билан дастёрликка ораб қолганим учун ҳозирги тилда "бонус" — қурутми, парвардами берар эди.

Кейинроқ билганман — хола асли кавказлик, қишлоғимизга "келин" экан...

Ҳали уйланмаган Раҳмон ака "ҳе йўқ, бе йўқ" қамоққа олинади. Қатағоннинг қиличи зиёлилар бошига — миллатнинг умуртқасига тушган бўлса, чалғиси танлаб ўтирмаган — касби коридан қатъи назар энг оддий одамларгача ўриб-боғлаб, каналлар, шахталар, ёғоч кесиш ишларига элтиб ташланган. Раҳмон акани чекига Сибир тоғларида уран кавлаш тушган. Улар икки кишидан бўлиб ишлашар экан — бири чўкич билан тош ўйса, иккинчиси четроқда нафас ростлаб олар, сўнг ўрин алмашишар, ҳар куни шу тахлит ўтар экан.

Бир сафар иш навбати шеригига келганда Раҳмон аканинг кўнгли безовталангандай бўлибди. Шундоқ тепага қараса, майда тошчалар тўкила бошлаган, бир қулочча келадиган қоянинг ортида осмон қимирлаётган эмиш "Бу нимаси бўлди?" деб ўйлар-ўйламас, ҳалиги қоя уларнинг тепасига оға бошлабди. Раҳмон ака жон ҳолатда кавказликнинг белбоғидан ушлабдию бор кучини жамлаб силтабди. Иккалови ўмбалоқ ошиб йиқилибди ҳамки, ҳарсанг гурсиллаб ерга — ҳозир улар ишлаётган жойга урилибди, бир бўлаги учиб, Раҳмон ака лат ебди.

Икки маҳбус-тоғтешар бало-қазодан омон қолганига ишониб-ишонмай, бир муддат қимирламай ётибди. Чанг босилгач, ўзларига келиб, бири қўлини дуога очибди, униси чўккалаб чўқина кетибди. Тошнинг овозини эшитганлар етиб келганда, улар бошларини бир-бирининг елкасига қўйиб, эркакчасига унсиз йиғлашаётган экан.

Ҳар ёмоннинг бир яхшиси бўлади, дегандай, шу баҳона Раҳмон ака билан шеригини сургундан озод қилиб, уйига жавоб беришибди. Шаҳарга келиб, поездга билет оладиган пайтда кавказлик Раҳмон акага "Аввал бизникига борасан" деб оёқ тираб туриб олибди. «Қўй, мен ҳам юртимга борай» деса, қулоқ осмабди. Хуллас, қарасаки, гапга кўнадиган эмас. «Ҳа майли, кўрганлар Кавказни роса таъриф қилишарди, бир айланиб келсам келай» дебдию, бирга йўлга тушибди.

Кавказлик ошнаси унча катта бўлмаса ҳам, ҳар қалай, шаҳарлик, зодагонроқ оиладан экан. Иккаласи бир ой хонадонма-хонадон меҳмон бўлишибди. Хайрлашув навбати келганда мезбон меҳмонга "Сен мени ўлимдан қутқаргансан. Кўрдинг — учта синглим бор. Хоҳлаган бирини хотинликка оласан" деб шарт қўйибди. Раҳмон аканинг кўнгли суст кетса ҳам, иккиланибди: "Бўмайди. Сингилларинг шаҳарда ўсган. Менинг уйим чекка қишлоқда. Қийналади, бир йилга ҳам чидамаслиги мумкин". Бу гапдан ошнаси ҳам, унинг уруғ-аймоғи ҳам астойдил хафа бўлибди. Кавказ халқи ўжарлиги билан машҳур, Раҳмон аканинг розилигини олмагунча қўймаган.

Хуллас, Раҳмон акани опа-сингиллардан бирига уйланишга кўндиришган. У «етказганига шукр» деб энг қўҳлигини танлабди. Ўша ернинг ўзида бинойидек тўй қилишибди. Бошқа бир шаҳардан имом топиб келиб, мусулмонча никоҳ ҳам ўқитилибди.

Раҳмон ака келинчак билан қишлоғимизга қайтгач, тирикчилик муаммосига йўлиққан, албатта: қамалиб чиққан "зараркунанда"ни ҳатто колхозга ҳам ишга олишмаган. Эр-хотин маслаҳатлашиб, меросдан қўлга илингудай нарсаларнинг ёнига келиннинг тақинчоқларини қўшиб сотиб, сигир олишади.

Нима сиру синоати бор экан, ҳеч ким билмайди — Раҳмон аканинг сигири доим серсут, сути эса жуда ёғли бўлар, кавказлик келиннинг қатиғидан эса қаймоқнинг таъми келарди. "Қатиғи ширин хола" номи ҳам шундан, албатта.

Эру хотин тинч-тотув яшадилар. Кавказга бориб келишга имкон топишганми-йўқми — буёғи менга қоронғу. Даромадига кўра имкони бўлмаган чиқар. Раҳмон ака шу ерлик бўлса ҳам, қариндош-уруғи йўқ ҳисобида эди. Лекин ҳар сафар қатиқ олгани борганимда уларнинг ҳаётдан рози эканликларини мурғак қалбим билан ҳис қилар эдим.

Бу дунёда эру хотиннинг бир-бирига меҳру садоқатидан ортиқ бахт-саодат борми?

## МУҲАББАТ ВА ВАФО ҲАҚИДА ҲИКОЯ

Опанинг исми Патила эди. Адабий-часини билмайман: Фатила, Фотила?.. Кино юлдузларидан ҳам гўзалроқ ва келишган жувон.

"Ҳусн — офат" деганларини тасдиқлагандек опа тақдирнинг беаёв синовига дучор бўлади: туҳмат билан эри узоқ муддатга қамалиб кетади. Ўзи қўлида қизчаси билан ёлғиз қолади.

"Ёлғиз" сўзига кимдир ажабланиши мумкин. Аммо урушдан кейинги йилларда оилалар катта бўлмаган, ўзидан бошқа ҳеч кими йўқ ғариблар, ота-онасидан эрта ажраган сўққабошлар анча эди. Тўғри, одамлар ўртасида меҳр-оқибат кучли бўлган, қариндошми, қўшними — қийин кунда бир-бирига қайишган. Лекин барибир ҳамма замонда ҳам аёл кишига ёлғиз рўзғор тебратиш осон бўлган эмас.

Опа боласини боғчага жойлаб, ишга киради. Иши юришиб кета бошлайди — ҳуснига маҳлиё бўлган мансабдорлар, нимадандир умидвор, опани кўтаркўтар қилишга тушади — бошланғич мактабга директор, каттароқ мактабга ўқув мудири, қишлоқ кенгашига котиба, район хотин-қизлар кенгаши раисига муовин. Опанинг кўнгли — булоқ сувидай мусаффо, бу ўзгаришларни табиий деб қабул қилар, "курортларга бориш" тўғрисидаги шаъналарга "Эри бор хотинга уят бўлади" қабилида майин, аммо кескин жавоб берар эди. Бир неча марта амаллар бекорга берилмаётганини юзига солишганда, индамай ишдан бўшаш тўғрисида ариза қолдириб чиқиб кетган. Аммо ҳар сафар ҳам аризаси ҳаракатсиз қолдирилган. "Чиқмаган жондан умид» дейишганми. Балки ҳаёт етказган "алам"лар қасдини ишдан олаётган опа вазифасини бинойидек уддалаётгани учундир.

Бу орада турли гап-сўзлар ҳам чиқади, тўғриси, кимлардир шунга уринади. Аммо опа номусига заррача бўлсин гард юқтирмаган. Аксинча, жуфти ҳалолини зориқиб кутишини айтмаса, чиройи яна ҳам очилиб борган. Қайнонам опага қўшни турарди, айтиб беришича, эридан ҳар хат келганда, боласини бағрига босганча тўйиб-тўйиб йиғлаб олар экан. Йиғи эса аёлга упа-эликдай гап, дейишади.

Бу аҳвол опанинг турмуш ўртоғи муддатидан олдинроқ озодликка чиқиб, қайтиб келгунча давом этди.

Ана шу қувончли воқеадан бир ҳафта ўтмай, опани кўчага қувгандай лавозимдан бўшатишди, бошқа иш беришмади ҳам.

Яна дийдор насиб этган эр-хотин, иккови ҳам ишсиз қолганига қарамай, яхшиларнинг ҳавасини, ичи қораларнинг ҳасадини келтириб бахтиёр яшай бошладилар.

Шу тариқа бир йилча ўтди. Яна фарзанд кўришди.

Қишлоқда ишлари юришавермагач, шаҳарга кўчиб кетишди.

Улардан оғизма-оғиз ўтиб келган муҳаббат ва вафо ҳикояси қолди.

***ТАҲРИРИЯТДАН:** Муаллифнинг "Олис хотиралар" туркуми тўплалигича "Жаҳон адабиёти" журналида эълон қилинмоқда.*

# НОДИР ЁДГОРЛИК

*Акс садо*

Араб, форс, туркий тилларда анбиё ва авлиёларга бағишланган муқаддас китоблар жаҳон адабиёти ва тиллари тараққиётида муҳим аҳамият касб этиб келган. Бу асарларда Қуръони карим, Тафсир, Ҳадис шарҳларидаги пайғамбарлар ҳақидаги маълумотлар тарихий фактлар ва халқ оғзаки ижоди намуналари билан уйғун ҳолатда берилган. Бундай услуб кўпасрли тарихга эга. Бу асарларнинг бир қисмини Котиб Чалабий "Кашф уз-зунун"да, профессор Карл Брокелман "Араб адабиёти тарихи"да таҳлил қилганлар. Форс тилида битилган "Қисаси анбиё" матнлари кўп марталаб чоп этилган.

Туркий тилда ҳам набийлар қиссалари асрлар давомида адибларимиз ижодида катта ўрин олиб келган. Булардан бири — туркий халқлар орасида кенг тарқалиб, катта шуҳрат топгани Носируддин бин Бурҳонуддин Рабғузийнинг "Қисаси Рабғузий" асаридир.

Носируддин Рабғузий ўз асарини яратишдан аввал ушбу мавзуга оид ўнлаб араб, форс, туркий анбиёлар қиссаларини, Қуръон, Ҳадисларни кўп мутолаа қилган, аруз қонуниятларини чуқур ўрганган. У ҳар бир жумла, ҳар бир каламанинг маънодаги нозик фарқларини теран ҳис қилган. Асарни бир йилда ниҳоясига етказган. Афсуски, бизгача муаллиф қўлёзмаси етиб келмаган. Ундан олинган нусхалар сақланиб қолган, холос.

Бундай хулосага келишга шахсий кутубхонамдаги қўлёзмалар, турли мамлакатларда бу асарга бағишланган махсус мақола, рисола ва китоблардаги маълумотларни қиёсий ўрганиш асос бўлди. Ундан ташқари, "Қисаси Рабғузий" матнида ҳам бу борада муҳим қайдлар бор. Мана, шулардан бири: "Тарих етти юз тўқузда, ит йилининг аввалида қосуд битилдиким, пайғамбарлар қиссаларига ғоят рағбатим бор. Текма ерда ул китобат топилур, аммо баъзиси мустақим ва баъзиси номустақим, бир ончаси муқаррар, бир ончаси муътабар, бировларнинг сўзлари кесук, бировларнинг мақсудлари ўксук. Эмди сенинг даҳанингдин чиққан, қаламунгдин ақган китобма сенинг, иборатма сенинг бўлуб бирга "Қисас ул-анбиё" бўлса, ўқуғлукда кераклиг, ўқумоққа яраглиғ бўлгай эрди, теб илтимосма янглиғ ишорат бўлди эрса, агарчи ўзумузни ул ишка лойиқ, ул амалга мувофиқ эрмасин эркан, ўзини оғирлаб нафсин сақламиш бўлур бу оғир ишка юз эвурдук. Тангри азза ва жалладан тамом бўлгунча тавфиқ тилаб, китоб бошладуқ. Мунда мақсуд пайғамбарлар қиссалари эрди валекин Одамдин бурунроқ яратғанлар бор учун андин бошласақ фойдаси ортуқроқ бўлгай, ул фойдадин фойда кўрсалар яхшироқ бўлгай, теб тартиб уза яратилғанлардин оғоз қилдуқ, излаган бот топқай, эшиткан бот билгай, теб "Қисаси Рабғузи" от бердук, валлоҳу аълам".

17 йил аввал шогирдларимиз билан Лондон қўлёзмаси асосида Рабғузийнинг оммабоп икки жилддан иборат китобини чоп этгандик. Бу давр ичида Европанинг машҳур олимлари — профессор Ҳендрик Бешотен (Германия), профессор Марк Вандаме (Белгия), профессор Семих Тезжон (Туркия), профессор Жон О'Кане (Англия) биргалашиб Рабғузийнинг илмий нашрини икки жилдда (I жилди 822 саҳифа, II жилди 841 саҳифа) Лайден (Голландия)да 1995 йили чоп этишди.

Доцент Айсу Ата Туркиянинг етакчи мутахассислари — профессор Мустафо Жонпўлат, профессор Камол Эрарслон билан ҳамкорликда 1997 — 1998 йиллари Анқарада "Қисаси Рабғузий"нинг икки жилдли (I жилди 656 саҳифа, II жилди 611 саҳифа) китобини нашр қилдилар. Бу иккала нашрда ҳам биз чоп этган китобларни ҳурмат билан тилга олишган.

Туркий халқларнинг шоҳ асари "Қисаси Рабғузий" яратилганига 2010/11 йили 700 йил тўлади. Бу буюк сана муносабати билан "Қисаси Рабғузий"нинг иккинчи оммабоп нашрини лотин ва кирилл ёзувларида чоп этиш ниҳоятда савобли иш бўларди. Бунда аввали нашрда содир бўлган нуқсон ва камчиликлар, шубҳасиз, тузатилади.

Иккинчи нашрга шогирдларимдан Семих Тезжон билан Марк Вандамени ҳам жалб қилиб, ҳозирги давр талабига жавоб берадиган китобни тайёрлашга ҳозирлигимни жамоатчиликка билдирмоқчиман.

Журналист Жаббор Раззоқовнинг "Ўлмас мерос" мақоласидаги Рабғузий ижод уйини ташкил этиш таклифига келсак, бу таклифни қувватлайман. Шу билан бирга, Хоразм воҳасида Замахшарий, Нажмиддин Кубро, Паҳлавон Маҳмуд, Маҳмуд ибн Али ас-Саройи каби сиймолар яшаб ўтганлигини эсга олсак, бу заминда мазкур буюк зотлар хотирасига эзгу бир ёдгорлик бунёд этиш лозим, деб ҳисоблаймиз.

**Эргаш ФОЗИЛОВ,**
**Ўзбекистон Фанлар академиясининг академиги**

# ДЎСТЛИК АНЖУМАНИ

Ўзбекистон Бадиий академиясининг Тошкентдаги фотосаньат уйида Ўзбекистон мустақиллигининг ўн беш йиллиги ҳамда Ветнам Социалистик Республикаси мустақиллигининг олтмиш бир йиллигига бағишланган тадбир бўлиб ўтди. Шу муносабат билан ўтказилган матубот анжуманида Ветнам Социалистик Республикасининг мамлакатимиздаги Фавқулодда ва мухтор элчиси Фам Зуй Шон, "Ўзбекистон — Ветнам" дўстлик жамияти раиси, Ўзбекистон Бадиий академияси президенти Турсунали Қўзиевлар сўзга чиқиб, икки мамлакат ўртасида сиёсий-иқтисодий ва ижтимоий-маданий муносабатлар тобора ривожланиб бораётгани хусусида фикр юритдилар. Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазири ўринбосари Азамат Ҳайдаров, "Экосан" халқаро жамғармаси президенти Юсуф Шодиметов ва бошқа жамоатчилик вакиллари анжуман иштирокчиларини мустақиллик байрами билан самимий қутладилар.

Ветнам Социалистик Республикасининг мамлакатимиздаги Фавқулодда ва мухтор элчиси Фам Зуй Шонга "Ўзбекистон — Ветнам" дўстлик жамиятининг Фахрий ёрлиғи топширилди. Тадбирда Ветнам халқи ҳаёти ва анъаналари ҳақида ҳикоя қилувчи суратлар кўргазмаси ҳам намойиш этилди.

Санъаткорлар ижросида ўзбек ва ветнам халқ куй ва қўшиқлари янгради.

# «ALSKOM»

ALSKOM

## ЎЗБЕКИСТОН-РОССИЯ ҚЎШМА СУҒУРТА КОМПАНИЯСИ

Юртимиз аҳлини ва ўз мижозларини мамлакатимиз Мустақиллигининг 15 йиллик айёми билан муборакбод этади. Хонадонингизга тинчлик, дастурхонингизга қут-барака тилаймиз.

**Мижозлар манфаатларини кафолатли ва ишончли суғурта ҳимояси билан таъминлаш мақсадида таклиф этаётган хизматларимиз фаолиятингизни барқарор ривожланишига кўмак беради деган умиддамиз.**

*АЙЁМИНҒИЗ МУБОРАК, АЗИЗ ВАТАНДОШЛАР!*

Манзил: Тошкент шаҳар, Амир Темур, 24.
Телефонлар: (371) 132-09-64, факс: (371) 132-07-15
e-mail: official@alscom.uz, www.alscom.uz



**Она табиатнинг энг сўлим гўшасида жойлашган**

# "КОСОНСОЙ"

**сиҳатгоҳи жамоаси азиз ватандошларимизни барчамиз учун мўътабар ва азиз бўлган Мустақилликнинг 15 йиллиги байрами билан чин дилдан самимий муборакбод этади.**

Қадрли ҳамюртларимизга инсон учун тенгсиз бойлик ҳисобланган сиҳат-саломатлик, бардам кайфият ва омадлар тилаймиз.

Сиҳатгоҳимиз тоғ ён бағрида, сўлим сой бўйида жойлашган.

Тоғ ҳавосининг софлиги, шифобахш гиёҳлар сизга манзур бўлади, албатта.

*Сиҳатгоҳимиз сиз азизларга мунтазир.*

Манзилимиз: Наманган вилояти Косонсой шаҳри, Халқлар дўстлиги кўчаси, 21-уй.
Телефон: (8-265) 21-197, 21-198



# Азиз ватандошлар!

***Озод ва обод Ватанимиз тарихидаги қутлуғ сана, ҳаётимиздаги энг улуғ ва энг азиз байрам — Мустақиллигимизнинг 15 йиллиги билан барчангизни самимий муборакбод этамиз!***

*Мустақиллик йилларида мамлакатимизда, шаҳар ва қишлоқларимизда юз бераётган янгиланишлар, буюк бунёдкорлик ишлари, ҳаётимизда, онг-шууримизда рўй бераётган ўзгаришлар қалбимизни фахр ва ифтихор туйғуларига тўлдиради.*

*Барчамиз учун азиз ва мўътабар бўлган шу азиз Ватан равнақи, халқимиз фаровонлиги, осмонимизнинг мусаффолиги учун бир тану бир жон бўлиб меҳнат қилайлик, уни асраб-авайлайлик! Байрам хонадонларимизга бахт-саодат, тўкин-сочинлик олиб келсин!*

**Наманган вилояти Поп тумани халқ маорифи бўлими жамоаси.**


# ИСТЕЪДОДЛАРНИ ИЗЛАЙМИЗ

## Республика электрон ва босма оммавий ахборот воситалари танлови

***Ёш истеъдод эгаларини кашф этиш ва қўллаб-қувватлаш, санъатни оммалаштириш, иқтидорларнинг маҳоратларини ошириш ва рағбатлантириш мақсадида "Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми" жамғармаси ва "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати Марказий Кенгаши ҳамкорлигида "Келажак овози" республика кўрик-танлови ўтказиб келинмоқда. Танлов қамровини янада кенгайтириш, республиканинг барча ҳудудларида истиқомат қилаётган ёш иқтидор эгаларини бу иқтидор кўригига жалб этиш мақсадида Нодавлат электрон оммавий ахборот воситаларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш Жамоат Фонди ва Ўзбекистон мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш Жамоат Фонди ўз фаолият дастурлари доирасида электрон ва босма оммавий ахборот воситалари журналистлари ўртасида навбатдаги кўрик-танловни эълон қилади.***

***Танловда мулк шаклидан қатъи назар, юридик шахс бўлган ва Қорақалпоғистон Республикасида, мамлакатимиз вилоятлари, шаҳар ва туманларида фаолият кўрсатаётган электрон ва босма оммавий ахборот воситалари ижодий ходимлари иштирок этиши мумкин.***

### ТАНЛОВНИ ЎТКАЗИШ ШАРТЛАРИ

Танлов икки босқичда ўтказилади: биринчи босқичда вилоят саралаш босқичи жараёнларини ёритиш бўйича ижодий ишлар жорий йилнинг 25 августига қадар қабул қилинади ва Мустақиллик байрами арафасида якунланиб, ғолиблар тақдирланади. Иккинчи босқичда эса "Келажак овози" танловининг республика саралаш ва финал босқичи жараёнларини ёритишга қаратилган ижодий ишлар қабул қилинади ва танлов якунида ғолиблар тақдирланади.

Танловга тақдим этилган телерадиомаҳсулотлар ЎзНТТ Бадиий Кенгаши ва ЎзЭОАВМА Маслаҳат маркази томонидан қабул қилинади, ўрганиб чиқилади ва ишчи гуруҳ хулосаси тайёрланади.

Танловга тақдим этилган босма нашрларда чоп этилган ижодий ишлар Ўзбекистон мустақил босма оммавий ахборот воситаларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат Фонди Маслаҳат кенгаши томонидан қабул қилинади, ўрганиб чиқилади ва ишчи гуруҳ хулосаси тайёрланади.

Ишчи гуруҳлар томонидан тайёрланган хулосалар соҳа мутахассисларидан ташкил этиладиган нуфузли ҳайъат аъзолари муҳокамасига тақдим этилади.

Ҳайъат аъзолари тақдим этилган ижодий ишларнинг "Келажак овози" республика танловининг мақсад-моҳияти ва аҳамияти қай даражада тўлиқ ва кенг очиб берилганлиги, профессионал тарзда ёритилганлиги, ижодий ва техник савиясига қаратилган мезонлар асосида ғолибларни аниқлайди.

Тақдим этилган телерадиомаҳсулотлар рус ёки ўзбек тилида, сифатли дискда, сценарийси уj[SK@ |mk\Mm билан биргаликда қабул қилинади. Унга телерадиостанция ҳақида маълумот, муаллифнинг профессионал фаолияти, паспорт маълумотлари илова қилинади.

Тақдим этилган материаллар икки қатор оралиғида, икки нусхада, босма ҳолда 5-10 саҳифадан иборат бўлиши, ўзбек ёки рус тилларида тайёрланиши керак.

Ишга босма нашр тўғрисида маълумотлар — нашр номи, муассислари, бош муҳаррири, ихтисослашуви, адади, тарқатилиш ҳудуди, манзили;

Муаллиф тўғрисида — фамилияси, исми, профессионал фаолияти тўғрисида қисқача маълумот, паспортга оид маълумотлар илова қилинади.

Танловга топширилган ижодий ишлар тақриз қилинмайди ва қайтарилмайди.

### ТАНЛОВ ҒОЛИБЛАРИНИ МУКОФОТЛАШ

*Танлов ғолиблари икки номинация бўйича эълон қилинади:*

— "Келажак овози" республика кўрик-танловини ёритишга қаратилган энг яхши телерадиомаҳсулотлар тўплами;

— "Келажак овози" республика кўрик-танловини ёритишга қаратилган энг яхши матбуотда чоп этилган ижодий ишлар тўплами.

Ҳар битта ўринга ғолиблик юқорида кўрсатилган икки номинация бўйича белгиланади.

Икки босқич ғолиблари ҳар икки номинация бўйича қуйидаги тартибда мукофотланади:

- **битта биринчи ўрин — 150000 сўм;**
- **иккита иккинчи ўрин — 100000 сўмдан;**
- **учта учинчи ўрин — 50000 сўмдан.**

Босма нашрларда чоп этилган ижодий ишлар ҳар икки босқичда "Келажак овози" республика танловини ёритишга" деган қайд билан танлов матбуотда эълон қилинган кундан бошлаб Ўзбекистон мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш Жамоат Фондига қуйидаги манзилга жўнатилади:

**Тошкент шаҳри, 700129, Навоий кўчаси 30-уй, 3-қават, 5-хона. Тел., факс: 144-12-51 www.mmf.uz, e-mail: HYPERLINK mailto:mmf@uzpak.uz;mmf@uzpak.uz**

*Электрон оммавий ахборот воситаларида узатилган телерадиомаҳсулотлар ҳар икки босқичда "Келажак овози" республика танловини ёритишга" деган қайд билан танлов матбуотда эълон қилинган кундан бошлаб Нодавлат электрон оммавий ахборот воситаларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш Жамоат Фондига қуйидаги манзилга жўнатилади:*

**Тошкент шаҳри, 700000, Ҳ.Олимжон майдони, "Пойтахт" бизнес-комплекси ғарбий томони, 4-йўлак, 2-қават. Тел., факс: 137-28-30, HYPERLINK http://www.naesmi.uz, www.naesmi.uz**

# ШАПИРО ВА УНИНГ ТЕАТРИ

**Театр ва унинг одамлари ҳақида гапириш ҳам, ёзиш ҳам ниҳоятда мушкул иш. Сабаби, театр у ҳақда гапиришлари учун эмас, балки уни кўриб фикр қилишлари учун яратилган. Ўйлаганда ҳам ҳаммадан ҳоли, биров халал бермайдиган қилиб ўйлаш зарур. Ана ўшанда сахна ва зал ўртасида икки томонлама ишончли алоқа ўрнатилади ва сўзсиз икки тенг қалблар ўртасида юксак даражадаги уйғунлик ҳосил бўлади.**

**Камина ҳар сафар пойтахтимиздаги Рус академик драма театри спектаклини кўрганимда худди ана шу уйғунликни ҳис этаман. Театр томошаларини кўриб уруш ва тинчлик, яратувчилик ва вайронгарчилик, муҳаббат ва нафрат муаммоларини тушунгандек бўламан, санъатнинг сехрли кучи мени бу даргоҳга етаклайверади. Ана шу куч сабаб бўлиб, мазкур театр ва унинг бадиий раҳбари Владимир Шапиро ҳақида сўз айтишни лозим топдим.**



В.Шапиро Рус драма театридаги фаолиятини 1990 йилдан бошлаган. Дастлаб "Бир йилдан сўнг худди шу куни" (Б.Слейд), "Мастер-класс" (Д.Поунэлл), "Аҳмоқона ҳаёт" (С.Злотников) каби асарларни сахнага олиб чиқди. Шундан буён у шу театр, ундаги турли қарамақаршиликлар, ютуқлар, режалар оламида яшаб келади.

1991 йилдан эса Михаил Спивак, Вячеслав Гвоздиков каби талантли режиссёрлар, В.Цветков, В.Русинов, Н.Мягкова, О.Овчинникова, А.Кузин, Г.Пачис, В.Баграмовдек иқтидорли актёрлар ишлаган мазкур театрга бадиий раҳбар этиб тайинланди. Уюшқоқ ва истеъдодли жамоа билан тезда тил топишган В.Шапиро тез орада замон талабларига жавоб берувчи, томошабин эҳтиёжини қондиришга қодир бўлган ўз театрини яратишга муваффақ бўлди.

Ўтган 15 йил давомида у театрдаги ҳар бир актёрнинг, ҳар бир оддий ишчининг дарду ҳасратини, шодлигу қувончини баҳам кўришга, оғирини енгил қилишга қодир бўлган энг яқин одамига айланишга улгурди.

В.Шапиронинг ҳар бир спектакли театр оламида бир воқеа, десак хато бўлмас. Биринчи марта унинг "Психолог" спектаклини кўргандим. Ундаги энг майда хўрсинишлару сезилмас туюлган хатти-ҳаракатларгача режиссёр томонидан пухта ўйлангани, ўз бошидан кечиргани сезилиб туради. У мизансаҳналар, ёрқин сахналар яратишга ҳаракат қилмайди, бор кучини муаллифнинг асардан кўзлаган ғоясини очишга сарфлайди. Спектаклда томошабиннинг ўйлашига, қаҳрамон кечинмаларига ҳамдард бўлишига имконият яратилган.

Ёки бўлмаса, унинг 2005-2006 йилларда сахнага қўйган "13-рақам", "14-рақам — Ҳаёт гўзал" ва "15-рақам — Кулгили пуллар" каби спектаклларини олайлик. Уларни кўрган томошабинда яшашга, Оллоҳ томонидан берилган неъматларга қаноат қилишга иштиёқ уйғонади. Шапиро қандай асарга қўл урмасин, рус драматургиясигами, жаҳон классикасигами, уларда моҳир режиссёр, катта санъаткор қўли яққол кўзга ташланиб туради. Энг муҳими, Шапиро инсон руҳиятининг нозик қирраларини сеза олади, торларининг энг майин садоларини топа билади.

1995 йили В.Шапиро билан Алишер Навоий номидаги опера ва балет театрида ҳамкорликда ишлаганман. Ўшанда у таклифимизга биноан Гершвиннинг энг катта операларидан бири "Порги ва Бесс"ни мазкур театр сахнасига олиб чиққанди. Драматик театр режиссёрини мусиқий асар яратишга таклиф қилганимиз тўғри бўлганини спектакл муваффақияти исботлади. Шапиро мусиқа маданиятини нозик тушинувчи мутахассис эканини намоён қилди. У опера либреттосидаги одатий "икки қалб фожеаси" талқинидан воз кечиб, умуминсоний муаммолар, уруш ва тинчлик, ёруғлик ва зулмат масалаларини биринчи планга олиб чиқди.

Мана шундай ўзига хос режиссёр, "театр ва биз, биз ва театр" тушунчаси билан яшайдиган Владимир Шапирони мухлисларга янада яқиндан таништириш мақсадида, у билан суҳбатлашдик.

**— Владимир Михайлович, суҳбатни сал бошқачароқ бошласак. Яъни сиз ўзингиз ва театрингиз ҳақида эмас, ўзбек театрлари ҳақида гапирсангиз. Ҳамкасбларингиз ва уларнинг ижоди ҳақида қандай фикрдасиз?**

— Юртимизда замон ва томошабин талабига жавоб берувчи кўплаб театрлар бор. Бундай театрларга ҳукуматимиз ва Президентимиз томонидан катта эътибор бериб келиняпти. Афсуски, бундай эътибор ва ғамхўрликни суиистеъмол қилиб, расмангина ижод қилиб юрган жамоалар ҳам йўқ эмас. Уларда шакл эски ва бир хил, ёрқин характерлар, фантазия ва илиқ нур етишмайди. Баъзи спектакллар ниҳоятда зерикарли ва фикрлашдан йироқ.

Томошабин эса бугун биздан анча илгарилаб кетган. У бугун дунёда кечаётган барча воқеалардан хабардор. Мухлис театрда энг аввало суҳбатдош, дўст излайди. У ўзига ўргатишларини эмас, ўзи билан тенгма-тенг гаплашишларини истайди. Қолаверса, театр уч йирик шахс — актёр, режиссёр ва драматург қўлида туришини яхши биласиз. Айнан шу масалада бизда муаммолар мавжуд. Биздаги ёш иқтидорли актёрлар, режиссёрлар ва драматургларнинг четга чиқиб тажриба орттиришларига, юксак истеъдод соҳиблари билан мулоқотда бўлишларига кенг йўл очиш керак. Очиғи, менинг бу фикримга ҳамкасбим Баҳодир Йўлдошев қўшилмайди. Унингча, истеъдодлиларни ўз уйимизда ҳам тарбиялашимиз мумкин.

Шу ўринда буюк аждодларимиз ҳаётларини эслайлик. Уларнинг ҳаммаси жаҳон бўйлаб кезганлар, ўрганганлар.

Мен яна ўзбек театри актёрларининг асосий иш вақти театрда ўтишини истардим. Очиғи, баъзи актёрларга ачинаман. 10-12 соатлик иш вақтида шошилинч равишда радио-телевиденией югуришади, баъзан бир кунда иккиталаб тўйга боришади, кейин ҳориб-чарчаб, кечқурун театрга йўл олишади. Бундай тиғиз иш кунидан сўнг актёрдан қандай мўъжиза кутиш мумкин.

Шуни ёдда тутишимиз лозимки, юксак санъат югур-югури, мақтанчоқликни, бойликни ёқтирмайди. Бойлик аксарият ҳолларда мешчанликка олиб келади, мешчанлик эса тубанликка етаклайди.

**— Кўпгина театрларимиз чет эл сафарларида бўлишни, нуфузли театр танловларида қатнашишни, режиссёрларимиз чет эл сахналарида асарлар қўйишни истайдилар. Сиз бунга қандай қарайсиз?**

— Албатта, бундай ниятлар қилиш, ўзаро тажриба алмашиш жуда яхши. Айниқса, ҳамкасблардан ўрганиш фойдали. Очиғи, бугун кўпчилигимиз ҳаддан ташқари жизза ки бўлиб қолганмиз (иззат-нафсимизни юқори қўямиз), ўзимизга юксак баҳо берамиз. Бу эса яхшиликка олиб келмайди.

**— Аксарият актёрлар ўз имкониятларини очишга қодир режиссёр билан ишлашни орзу қиладилар. Баъзи иқтидорли актёрлар ўз ролларини тополмай, имкониятларини тўлиқ очолмай қолаётганларидан нолийдилар. Бу ҳақдаги фикрингиз?**

— Тўғри, бундай воқеалар амалиётда кўп учрайди. Баъзан актёрлар бирор эсда қоларли рол ўйнамай ҳам сахнани тарк этадилар. Лекин шуни ҳам унутмайлик-ки, театр тарихида из қолдирган кўплаб актёрлар у ёки бу спектаклда бош ролни ижро этганлари учун буюк бўлиб қолмаганлар. Улар буюклигининг сабаби катта-катта ролларни ижро этганларида эмас, балки ўзларига берилган ушоққина, эпизодик ролларга ҳам ижодий фаолиятларининг ҳал қилувчи палласи сифатида муносабатда бўлганларида. Истеъдодли актёр ҳамиша кўзга ташланиб туради. Баъзан кичик-кичик ролда ҳам бош рол ижрочисини соҳа қолдириб кетади. Ўйимда бир актёрнинг суратини илиб қўйганман. Бу кичик нарсадан катта моҳиятни топа олган буюк актёр Раҳим Пирмуҳаммедовнинг сурати.

Актёрга эҳтиёж режиссёрга эмас, унинг ўзига боғлиқ. Унинг ролга, сахнага, санъатга муносабати самарасидир.

**— Тўғриси, XXI асрни барча театрлар заллари томошабинга тўла давр деб айтиш мушкул. Ҳатто томоша вақтида мудраб ўтирганларни ҳам кўриш мумкин. Буни қандай изоҳлайсиз?**

— Аввало, тўғрисини тан олиш керакки, биз яхши спектакллар сахналаштиришни унутдик. Қолаверса, ўз томошабинимиз руҳиятини, унинг психологик-маънавий эҳтиёжларини яхши билмаймиз. У истамаган нарсани тақдим этамиз. Ўзбек томошабини азалдан ақлли ва ёрқин томошавий асарлар руҳида шаклланган. У юксак даражадаги импровизацияни, гротескни (бўрттириб тасвирлаш) яхши кўради. Ўзбек халқ ижодида аския, ҳазил-мутойиба асосий жанрлар бўлиб келгани бежиз эмас. Бу халқ коса тагида нимкосани, фантазияни, ўз маънавий-маърифий имкониятлари ҳар томонлама ҳаққоний очиб берилувчи чуқур психологизмни севади. Ўзбек томошабини пафосни, суньийликни ёқтирмайди, сахнадаги сохталикни ҳазм қилолмайди. У табиийликни ёқтиради. Буюк Шукур Бурҳоновнинг "Қиёмат қарз" ва "Шоҳ Эдип"даги ролларини эсланг. У ҳар икки спектаклда ҳам халқ қаҳрамонини, оддий халққа яқин ролни ижро этган. Унинг ижросидаги шоҳ ҳам оддий халқ вакилидек, худди оддий кишилардек фикрлайди. Ё бўлмаса, Сора Эшонтўраева ижросидаги "Шошма, қуёш" спектаклидаги колхоз раисини олайлик. Бу актёрлар ўз ролларини томошабин психологиясидан, уларнинг ҳаёт ҳақидаги тушунчаларидан узоқлашмаган ҳолда талқин қиладилар, ўйнайдилар. К.Станиславский даҳоси шундаки, у ўз ижодида табиийликдан мураккабликка, мураккабдан табиийликка томон боради. Бугунги ижодий фаолиятимизда театр санъати асосчиларининг ўгитларини унутмаслигимиз, улар яратган қонуниятларга қайтишимиз зарур. Ана ўшанда томошабин театрга бутунлай қайтади.

**— Владимир Михайлович, энди икки оғиз ўз театрингиз ҳақида гапирсангиз. Бугун репертуарингизда замонавий ўзбек драматургияси кўринмайди. Ўзбек драматурглари билан ҳамкорлик қилиб, томошабинларингизга халқимиз ҳаётини, унинг руҳий-маънавий эҳтиёжларини таништиришга эҳтиёж сезмаяпсизми?**

— Дарҳақиқат, буюк Алишер Навоийнинг "Сабъаи сайёр" асари асосидаги "Хитойлик қиз сири" (Авлиёқули Хўжақули инсценировкаси) спектаклидан бошқа ўзбек драматургиясидан ҳеч нарса йўқ. Шубҳасиз, замонавий драматургларимиз билан ҳамкорлик қилишга ҳаракат қиляпмиз, аммо бу ҳамиша ҳам муваффақиятли бўлмайди.

Бунинг сабаби, аввало шундаки, замонавий ўзбек драматургияси ҳаётнинг ижтимоий-этик ва маънавий муаммоларини чуқур ҳамда ўткир акс эттиролмаяпти. Қолаверса, замонавий қаҳрамон образи ҳам драматургларимиз томонидан тўлиқ ва мукаммал яратилганича йўқ! Замонамиз қаҳрамони эса бор, биз билан бирга яшаяпти. Фақат драматургларимиз унинг бадиий қиёфасини ёрқин тасвирлашлари талаб этилади. Бу қаҳрамоннинг умумлашган ва айни пайтда конкрет характери замонамиз билан ҳамнафас бўлиши керак. Шунинг учун ҳам биз миллий драматургиядан ажралмаган ҳолда, Алишер Навоий асарлари устида изланишни давом эттиряпмиз.

Ҳозир унинг "Лисон ут-тайр" достони устида ишлаяпмиз. Нима учун бу асарга мурожаат этяпмиз? Навоий фалсафаси, унинг барча даврлар учун ҳам замонавийлиги шундаки, бу буюк сўз устаси барча замонларда — кеча, бугун ва эртага халқни ҳаяжонга солишга қодир бўлган мавзу ва муаммоларни топа билган. Яъни халқнинг орзу-армонлари ҳеч қачон эскирмайди, улар ҳамиша замонавий.

**— "Лисон ут-тайр"дан ташқари яна қандай янги асарларни кўриш мумкин?**

— Яқин кунларда Чеховнинг "Ваня тоға" ва Шекспирнинг "Ўн иккинчи кеча" асарларини мухлисларга тақдим этамиз. Классикларимизнинг бу асарлари бугунги томошабинга яқин ва керакли бўлиб қолишига ҳаракат қиламиз, яъни уларнинг замонавий талқинига эришишни ният қилганмиз.

Бугунги театр илгари яратилган буюк ва ўлмас асарларда замон учун долзарб ҳамда зарур нарсани топа билиши керак. Айнан классикада шу хусусиятлар мавжуд. Шунинг учун ҳам уларнинг умри боқий.

**— Мана, янги мавсум сиз учун қувончли воқеа билан бошланяпти. Куни кеча эълон қилинган Президентимизнинг Фармонига мувофиқ "Фидокорона хизматлари учун" ордени билан тақдирландингиз. Табриклаймиз. Ўзингиз ва театрингизга қандай тилакларингиз бор?**

— Аввало, табрик учун раҳмат. Қолаверса, бу мукофот фақат менинг эмас, жамоамизнинг хизматларига берилган юксак баҳо, деб биламан. Деярли ўттиз йилдан ортиқ давр мобайнида турли асарларни сахнага қўйиб келаман. Ҳамиша янада яхшироқ сахналаштиришга, асарларим томошабинга керак бўлишига ҳаракат қиламан. Ўттиз йилдан буён ўзим учун режиссура қонуниятлари, санъат қонуниятларини тушуниб етишни тилайман. Бу қонуниятларга тушуниш жуда-жуда мушкул иш, уларнинг сўнги, чегараси йўқ.

Театрга тилагим шуки, бу даргоҳ ҳамиша одамларга керакли бўлиб қолсин. Унга келган одамлар янада гўзалроқ, самимийроқ, меҳрибонроқ ва тинчликсевар бўлишга ўргансинлар...

**Аҳмаджон РАҲИМОВ,**
**санъатшунос**

*Сиз кутган учрашув*

# КУЙЛАЁТГАН ДИАНА

Мустақиллигимизнинг 15 йиллиги арафасида юртимиз санъати "Ниҳол"лари яна 15 тага кўпайди. Ана шу ниҳоллар орасида ўзбек эстрада санъатида ўз ўрнини топишга интилиб, жиддий изланишлар олиб бораётган Диана Зиятдинова ҳам бор.

Диана ҳар бир халқнинг ҳақиқий миллий қадриятлари жаҳон маданиятининг бебаҳо бир қисми эканлигини, анъаналар ва қадриятларнинг баҳоси юксак туришини яна бир бор исботлади. Болгариянинг Добрич шаҳрида ўтган "Сарандев — 2006" халқаро поп-рок танловида Гран-прини қўлга киритди. Шуниси эътиборлики, 18 йилдан буён давом этаётган бу танловда юртимиздан биринчи марта вакил қатнашди ва дебют муваффақиятли бўлди.

Ўзбек мумтоз қўшиқларидан бири — "Мустаҳзод" (Чокар сўзи, М.Мирзаев мусиқаси) Дианага ғалаба келтирди. Ҳақиқий миллий санъатимизни, соф ўзбекона наво-қочиримларимизни жаҳонга дадил олиб чиқишимиз мумкинлигини исботлади.

Албатта, Диана бундай ютуққа бирдан эришиб қолгани йўқ. Дастлаб, "Ўзбекистон — Ватаним маним", "Азиз она юртим наволари" танловлари совриндори бўлди, халқаро фестивалларда, танловларда муваффақиятли қатнашди. Репертуари устида изланди, устозларидан хонандалик сир-асрорларини чуқур ўрганишга ҳаракат қилди, ўз услубини топишга интилди.

Д.Зиятдинова бугун жаҳоннинг ўн беш тилида куйлайди. Шубҳасиз, улар орасида миллий эстрадамиз асосий ўринни эгаллайди. Унинг репертуаридаги ўттизга яқин ўзбек қўшиқлари орасида она Ватан ҳақидаги тароналар алоҳида ўрин тутади. Марҳум шоир Муҳаммад Юсуфнинг қуйидаги мисралари хонанда тилидан Ватанга мадҳиядек таралади:

**Мен учун тўрттала томонинг азиз,**
**Санасам сочингдан товонинг азиз,**
**Андижонинг азиз, Сурхонинг азиз,**
**Бирини биридан юлмай севаман.**

Ватан биз учун нафақат киндик қонимиз тўкилган макон, балки буюк аждодларимиз ҳоки ётган, ота-боболаримиз руҳи қўллаётган қутлуғ диёрдир. "Оллоҳ битта Ватан берган" (Садоий шеъри, А.Назаров мусиқаси) қўшиғи Диананинг азиз ҳисларинигина эмас, халқимизнинг дилидаги иқрорларини ифодалайди:

**Боболарим ларза солиб ўтган тупроқ,**
**Момоларим алла айтиб ёққан чироқ.**
**Жон не керак шу макондан айрилган чоқ,**
**Фидо бўлсин ширин жоним остонанга.**

Д.Зиятдинова барча халқимиз каби она юрти Ўзбекистоннинг бугунги қиёфасидан завқланади, Мустақиллик берган имкониятлардан ғурурланади, диёрининг келажаги буюк эканлигига ишонади. "Ватан ҳақида куйлаш менга илҳом бағишлайди, — дейди у. — Айниқса, истиқлол биз каби ёшларга шу пайтгача кўрилмаган кенг йўлларни очиб берди. Бизнинг овозимизни бугун жаҳон ҳайрат билан тинглаяпти. Ахир, бу бахт эмасми!"

Айни вақтда хонанда ўз қўшиқлари билан она юртга хиёнатнинг охири "вой" бўлишидан огоҳликка чақиради. Аслида ҳам биз бугун ватангадоларнинг аҳволини кўриб-билиб турибмиз, Ватанини сотган одам бир умр хор-зор бўлиб яшашини воқеликнинг ўзи кўрсатиб турибди. Бу борада Диананинг овози кескин жаранглайди:

**Ватангадо топмас қадр ўлганда ҳам,**
**Миннат билан қўмар кимдир кўмганда ҳам.**
**Ўзга булбул ўз зоғинга тенг бўлмагай,**
**Ўзга қаср ўз қулбангдай кенг бўлмагай,**
**Оллоҳ битта Ватан берган пешонанга.**

Муҳими шундаки, бугун Ўзбекистон келажакка элтувчи йўлнинг кенг ва равон манзилига чиқиб олган. Юртбошимиз таъкидлаганидек: "Ўзбекистон — келажаги буюк давлат" эканлиги ҳозир жаҳон аҳлига ҳам аён бўлиб қолди. Бу ҳақда Диана "Ўзбекистон" қўшиғида шундай куйлайди:

**Эртаси умидли дориломоним,**
**Қуёшли ўлкамсан, Ўзбекистоним.**
**Келажаги буюк улуғ диёрим,**
**Тенги йўқ ўлкамсан, Ўзбекистоним.**

Шу билан бирга, хонанда ўз юртининг фуқароси, Ўзбекистон фарзанди сифатида Ватани билан ғурурланади:

**Мусофир бўлмоқдан асрасин Худо,**
**Жон элим, сен мени айлагин дуо.**
**Айвонингга келган қалдирғочинг ҳам**
**Мен учун Бахт қуши, мен учун Хумо.**

Д.Зиятдинова Ватан мадҳи учун шунчаки матнларни танламайди, балки юракка етиб борадиган, ҳар қандай тош қалбни ҳам юмшатишга қодир бўлган сўзлар маржонидан таркиб топган сатрларни куйга солади. Унинг ўзи қўшиқларига қалбини жо қилиб куйлагани учун ҳам, тингловчи қалбига ҳеч қандай тўсиқсиз етиб боради.

Эътиборли жиҳати шундаки, Диана баъзи ёш ижрочиларга ўхшаб тезроқ машҳур бўлишга, "хит" қўшиқлар айтишга шошмайди. У санъаткор бўламан деган одам олисни кўзлаши, машаққатлардан чўчимаслиги кераклигини тушунади. Зеро, Д.Зиятдинованинг асл мақсади жаҳонга ҳақиқий миллий ўзбек эстрада қўшиқларини тақдим этиш.

**Г.УМАРОВА**

*Вилоят театрларида*

**...Сахна. Отларнинг дупури, аскарларнинг ҳайқириғи, қиличлар жаранги, жанг шовқини. Ана, музаффар Амир Темур шодон, мағрур, донишманд қиёфада чиқиб келади. Буюк халқ ўтмиши жонланади. Соҳибқирон бобомизнинг орзую армонлари, ҳаяжонлари гўёки томошабин нафаси билан уйғунлашиб кетган. Зал сув қуйгандек ҳим-жит. Томошабин нигоҳи сахнага қадалган...**

**Ҳамид Олимжон номидаги Самарқанд Давлат мусиқали драма театрида сахналаштирилган Т.Акбарҳўжаевнинг "Замон ўғлони" асарини томошабинлар ана шундай ҳаяжон билан кутиб олишди. Спектаклнинг улар қалбидан жой олишида актёрларнинг, айниқса, Амир Темур сиймосини талқин этган Искандар Султоновнинг ўрни беқиёс.**

# "ТЕАТР — МЕН УЧУН ҚУТЛУҒ МАСКАН"

У 1989 йили Тошкент Давлат Санъат институтининг мусиқали драма ва комедия бўлимини тугатиб, Абдулҳамид Мажидий номидаги Каттақўрғон театрига ишга келди. Бу театрда қирқдан ортиқ турли характердаги каттакичик ролларни ижро этди. Масалан, у ўйнаган "Навоий Астрободда" асаридаги Усмонали, "Эзгулик ва ёвузлик"даги Хурзод, "Ёрқиной"даги Пўлат, "Медея"даги Ясон образлари бугун ҳам каттақўрғонлик театр ихлосмандларининг ёдидан чиққан эмас.

— Бу ролнинг ижроси жараёнида кўп изланишга, Темур бобомиз тарихи ҳақида ёзилган кўплаб тарихий китобларни ўқиб чиқишимга тўғри келди, — дейди истеъдодли актёр И.Султонов. — Машаққатли меҳнат ўз мевасини берди. Асарни томошабинлар илиқ кутиб олишди. Бизнинг ютуғимиз шунда. Актёр ижросига баҳони томошабин беради.

Мен мазкур театрнинг деярли барча спектаклларини кўриб бораман. Искандар Султонов талқин этаётган ролларга алоҳида эътибор бераман. Ҳар гал мулоҳазаларим шундай якун топади: "У сахнада ўзи яратган образларига ўхшайди. Ҳар бир ролига мослашади, қаҳрамон билан бир қиёфага киради ва унинг муаммолари, қувончу ташвишлари билан сахнада яшайди".

— А.Бобохоновнинг "Еттинчи жин" асаридаги Наби роли катта сахнада яратган илк образимдир, — дейди Искандар. — Биласизми, театрга келган илк пайтларимдаёқ устозларим: "Актёр — эҳтиросли, вазиятни қалбдан ҳис қиладиган ва албатта мустақил фикрга эга бўлиши керак. Унинг ҳар бир ҳатти-ҳаракати, яъни кўз қарашидан тортиб, ташлаётган ҳар бир қадамигача маъно касб этиши зарур", — дея таъкидлашарди. Мен ҳамиша мана шу ўгитга амал қилиб келдим. Шу боис бўлса керак, ҳозир вилоятда ўз мухлисларимга эгаман.

Искандар бугун кўпгина спектаклларда асосий ролларни маҳорат билан ижро этмоқда. Айниқса, балет жанрида ҳам ўзини синаб кўраётгани мухлислар аудиториясини кенгайтирмоқда. Ҳозир самарқандликлар ва кўпгина хорижлик томошабинлар уни "Самарқанд афсонаси" балетидаги Қорахон образи орқали яхши танишади. Искандар Султонов нафақат актёрликда, балки режиссёр сифатида ҳам ўз истеъдодини намоён этмоқда. У сахналаштирган С.Сирожиддиновнинг "Қутқарилган қуёш", Р.Ёриевнинг "Сеҳрли оқбулоқ" асарлари томошабинлар талабига кўра театр сахнасида тез-тез намойиш этилмоқда.

**— Ўз ижодингиздан кўнглингиз тўлган пайтларингиз бўлганми? Машҳурликка қандай қарайсиз?**

— Ижодкорнинг ўз ишидан қониққани — истеъдодиний сўнгани. Аммо айрим ижроларимдан кўнглим тўлган кунларим бўлган. Масалан, Ғафур Шермуҳаммаднинг "Кўзларида холи бор" асаридаги Саъдин образи ўзим учун энг мукаммал чиққан ролларимдан бири. Машҳурлик эса... Санъат чўққисини забт этиш осонмас. Бунинг учун бир қанча қоялардан, довонлардан, сўқмоқлардан ўтиш лозим. Ижод машаққатларига дош беролган санъаткор машҳурлик сахнасига чиқа олади. Театрдан маънавий озиқ оламан, деб келган томошабинлар қалбини забт этолсам, шунинг ўзи мен учун катта мукофот.



Ҳозир Искандар Султонов ижодининг айни гамолот даври. У эртадан кечгача театрда бўлади. Режиссёрлик, спектакллар, репетиция... ва яна янги асар устида ишлар...

— Бу юмушлардан асло чарчамайман. Негаки, касбимни яхши кўраман. Зал томошабин билан тўлган куни барча чарчоқларим тарқаб кетади, — дейди Искандар. — Илдизим театрга, сахна остонасига кўмилган, десам ишонавринг. Бу ер иккинчи уйим. Умуман, театр, сахна мен учун қутлуғ маскан!

**Акрам ХАЙДАРОВ**

# БЕТАКРОР ОҲАНГЛАР СЕҲРИ

**"Оддий ҳақиқатлар" теледастурининг навбатдаги кўрсатувларидан бирида ўртага ташлаган бир масала мени жуда ўйлантириб қўйди: "Мактабларимизда мусиқа дарслари суст ўтади. Мусиқа хоналарида миллий чолғу асбоблари етарли эмас".**

Нега мактабларда миллий созларимиздан фойданиш талаб даражасида эмас? Шу мавзуга доир муаммоларга жавоб излаб Абулқосим мадрасасига йўл олдим. Бу ерда уста Абдумалик ака Мадраимов билан танишиб суҳбатлашдим. Тангадек бўш жой топилмайди. Қашқар рубоби, дутор, ғижжак, чанг, уд, доира каби мусиқа асбобларини кўриб, қулоқларим остида "Чўли Ироқ"нинг ҳазин наволари янграгандек бўлди. Уста ҳайратга тушганимни кўриб:

— Келинг, қизим, бирор нима харид қилмоқчимисиз? — деди.

Суҳбатимиз устанинг бугунги фаолияти билан бошланди. "Ўттиз йилдан зиёддирки, миллий мусиқа созларини таъмирлаш ва яратиш бўйича изланишлар олиб боряпман, — деди уста. — Мақсадим бобокалонларимиз томонидан яратилган ва кейинчалик унутилиб кетган тарихий мусиқа асбобларини қайтадан ишлаб, уларнинг янги нусхаларини яратишдир. Изланишларимиз натижасида "Ғижжаги Бобурий", "Дилрабо", "Хушнаво", "Мерос" деб номланган созлар яратдик. 1996 йилдан бошлаб Президентимиз Фармонига мувофиқ миллий мусиқа асбобларининг ноёб ва ягона коллекциясини яратиш борасидаги ишларни ниҳоясига етказдик. Ҳозир Андижонда кичкина бўлса ҳам ўзимизнинг уй-музейимизни ташкил этганмиз. Бундан ташқари, ясаган созларимиз Темурийлар тарихи давлат музейининг доимий кўргазмасидан ўрин олган.

**— Янги ихтиролларингизнинг ўзига хослиги нимада? Битта созни яратиш учун қанча вақт кетади?**

— Бу борада тарихий асарларни кўп ўқийман, миниатюраларни синчиклаб кузатаман. Буюк мусаввир Камолиддин Беҳзод асарларидаги тасвирлар соз яратишимда ёрдам беради. Ҳар бир устанинг шогирди бўлиши керак. Шу боис ҳозир олтита талабага созлар қандай тайёрланишидан сабоқ бераяпман. Улар ҳам ўз ўрнида турли созлар ясашимда ёрдам беришади. Битта созни яратиш учун илгари тут, ўрик, ёнғоқ дарахтларининг 15 йил мобайнида табиий қуритилган, силиқланган ёғочи ишлатилган бўлса, ҳозир буни 3-4 йилда ҳам бажарса бўлади. Ёғочни қуритиш, ишлаш технологияси кундан-кунга такомиллашиб боряпти.

**— Иш жараёнининг энг мураккаб босқичи қандай кечади?**

— Бошқаларни билмадиму, мен соз ясаётганимда мусиқа оҳангини юрагимдан ҳис қиламан, қулоғимга аллақандай мусиқа эшитилиб туради. Ахир, бетакрор оҳангнинг ажиб сеҳри бор-да. Бутун вужудим қулоққа айланади, бор кучимни сознинг чиройли, мустаҳкам яралишига бағишлайман. Устозларим Козимжон ва Каромат усталар ҳар бир чолғу асбобини бирма-бир чалиб кўрсатишарди. Уларнинг чалиш услуби, мусиқанинг овози бетакрор ва ширали эди. Гоҳида усталарнинг бармоқлари ҳаракатига, қуй сеҳрига маҳлиё бўлиб, ҳунармандлар ҳам санъаткор бўлишар экан-да, дея ҳайратланиб қайтардим.



**— Ясаётган созларингизга халқ орасида талаб қай даражада?**

— Одамлар ҳозир маҳсулотларимизнинг яхшилигини билишади-ю, тушунишмайдими, билмадим, унчалик эътибор беришмайди. Яқинда биз севиб томоша қиладиган кўрсатувда бир қиз қўлига гитара олиб, она ҳақида қўшиқ куйлади. Шунда юрагимдан бир нима узилгандай бўлди. Ҳолбуки ўзимизнинг миллий чолғу асбобларимизнинг тури кўп, овози жарангдор ва бетакрор. Илгари ҳар бир хонадонда рубобми, дуторми, ўйнинг тўрида осиғлиқ турарди. Нега ёшларимизни миллий чолғу асбобларимизга қизиқтирмаймиз? Ахир, телевидение энг катта тарғибот маскани-ку! Миллий чолғу асбобларимизнинг тарихи ва чалиниши ҳақида ранг-баранг кўрсатувлар тайёрлаш мумкин. Оилада миллий санъатга меҳри ошган боладан ҳеч қачон ёмонлик чиқмайди.

**— Ҳозир мактабларимизда миллий чолғу асбобларидан мусиқа дарсларида фойдаланишнинг аҳволи сизни қаноатлантирадими?**

— Бу борада оддий мактабларда эмас, балки ихтисослашган мусиқа мактабларида ҳам аҳвол мақтагулик эмас. Чолғу асбобларимизнинг нархига келсак, унчалик қиммат эмас. Бемалол ота-оналар болалари учун сотиб олишлари мумкин. Болажонларимизга мослашган кичкина созларимиз ҳам бор. Унда турли куйларни чалишни ўргансалар бўлади. Хуллас, ҳар бир сознинг хомашёси ва меҳнатига қараб нарх қўямиз. Бу харидорларга унча қимматлик қилмайди. Битта дуторни сотиб олган оила, ўттиз йил ундан фойдаланади. Яқин кунларда 30 та уста ишлайдиган кичик фабрика қуриш ишлари бошланди.

Энг аввало, санъаткорларимиз миллий чолғу асбобларимиз қадрига етишлари керак. Афсуски, уларнинг кўпчилиги соз чалишни эмас, турли дисклардан фойдаланишни яхши билишади. Ҳатто "Оҳанрабо", "Айтишув" кўрсатувларидаги чолғу асбоблари ҳам эскирган. Халқимиз учун янги-янги созлар ихтиро қилаяпмиз. Улар халққа етиб бориши учун санъаткорлар унумли фойдаланишлари лозим.

Яқинда Америка, Англия, Италия каби давлатлардан буюртмалар тушди. Токио университети профессори Харума Кошиба хоним бир қанча маҳсулотларимизни ўз юртига олиб кетди. Қанийди, ўз миллатдошларимиз ҳам миллий чолғу-созларимизга мана шундай қизиқишса.

**Устанинг бу сўзлари менинг ўйларимга ҳам қанот бергандек бўлди. Истардикки, ҳар бир оилада фарзанд туғилиши билан бирор чоғу асбоби деворга илиб қўйилса... Зеро, улғаяётган бола нигоҳи ҳар куни шу созга тушса, катта бўлганда уни чалишга интилиши шубҳасиз.**

**Шаҳноза ШОЖАЛИЛОВА**

*Рухият иқлимларида*

# ҲАЁТ БУЮК НЕЪМАТДИР

***Йиллар ва асрлар ўтган сайин инсон шажараси улғайиб боради. Кексалик ўрнини навқиронлик эгаллайди. Умрлар алмашади, шу тариқа ҳаётнинг бардавомлиги таъминланади. Аммо инсон умри ўлчовли. У қисқа ҳаёти давомида қилган ишларидан гоҳ кўнгли тўлади, гоҳ тўлмайди. Умр эса ўтаверади...***

Узоқ ва боқий умр кўриш ҳақида инсоният асрлар давомида бош қотириб келган. Негаки, инсон жуда узоқ яшаса, кўп нарсаларга улгуриши, ҳаётнинг мазмунини англаб етиш учун куч ва фурсат топиши, имкониятлар яратиб яшаш мумкин, деб ўйлайди. Шунинг учун ҳам билимдон табиблар ва алломалар узоқ яшаш ва боқийлик сирларини топишга уринганлар. Бу ҳақда Миср ва Хитой иероглифларию Ҳиндистон билан Юнонистоннинг кўҳна ёдгорликларида ёзилган. Бобил ва Рим манбаларида турли эсдалик хотиралар, ривоят ва афсоналар бор. Масалан, Нуҳ пайғамбар минг йил яшаб, сўнг ёруғ дунёдан кўз юмганлиги ҳикоя қилинади. Тарихчи ва файласуф Демосфеннинг ёзишича, юнон ҳукмдори Литориус 200 йил, Крит оролида яшаб ижод қилган шоир Эпименид 300 йил, хитойлик аллома Чун-Кюн 252 йил умр кўрган. Шунга қарамай, одамларда узоқ ва боқий умр кўриш умиди сўнмаган, аксинча "оби ҳаёт малҳами", абадий ҳаёт сувининг сирини билишга интилишлар кучайган.

Файласуф Чжон Дао Мин "оби ҳаёт" дорисини олтмиш ёшида истеъмол қилиб, 123 йил, венециялик зодагон Корваро эса парҳезга риоя қилиб 102 йил умр кўрди. Француз қироли Людвиг XI ҳар куни тошбақа қонини ичиб, умрини узайтиришга ҳаракат қилган.

Инсон қанча узоқ умр кўрмасин, барибир, ҳаётдан кетгиси келмайди. Аксинча, янада узоқ яшашни, ҳаёт неъматларидан абадий баҳраманд бўлишни истайди. Босиб ўтган умр манзиллари эса унга қисқа — бир лаҳзадек бўлиб туюлади. Айтишларича, юқорида номи зикр этилган Нуҳ алайҳиссаломдан ўлими олдидан: "Эй, Нуҳ! Минг йилга яқин умр кўрдингиз, мамнунмисиз, умр лаззатини изоҳлаб бермоқчисиз", деб сўрашибди. Шунда Нуҳ: "Дунё дегани икки эшикли бир уй экан, бу эшикдан кириб унисидан чиққандек бўлдим", деб жавоб қилган экан.

Маълумки, Алишер Навоий "Садди Искандарий"да саркарда Искандарнинг бутун дунёни мусахҳар қилганини тавсифлайди. Асарда ёзилишича, шоҳ ўз ҳаётининг охирроғида онасига мактуб йўллаб, унда жаҳонгирлик мақсадлари хомхаёл ва беҳуда уриниш бўлганлигини афсусланиб таъкидлайди. Умр боқий эмас, аксинча, ўлим муқаррар эканлигини эътироф этади. Ривоятларга кўра бу фикр Хизр алайҳиссаломнинг Искандар билан бўлган мулоқотида ҳам ифодасини топган. "Мен тириклик суви излаб зулматга йўл олдим ва унга эришдим, — деб ҳикоя қилган Хизр алайҳиссалом. — Бироқ мазкур сеҳрли сувдан тотинган ва фоний дунёда боқий умр кўришни орзу қилган кишиларнинг даҳшатли ва оғир қийноққа дучор бўлганликларини кўриб бағоят ҳайратга тушдим. Бу шўрликларни ана шу бедаво дарддан фақат ўлимгина қутқаришига тўлиқ ишонч ҳосил қилдим". Ҳазрати Хизр ҳикоясини тинглаган Искандар ҳам "тириклик суви"ни ичишдан воз кечади.

Демак, инсон умри боқий эмас. Бинобарин, инсоннинг дунёга келиши ва уни тарк этиши — инсон умри поёнига етгач вафот этиши, унинг ўрнига бошқаларнинг туғилиши қонуний жараён. Лекин бу жараён узоқ умр кўришни ҳам, муайян маънода умрбоқийлик мавжудлигини ҳам асло рад этмайди.

Дунё — фоний, яшаш ширин ва лаззатли, инсон умри эса жуда қисқа. Умр тушунчаси — инсоннинг дунёга келиши ва яшашидаги бутун ҳаёт тарзини ўз ичига олади. У инсонга атиги бир мартагина бериладиган тенги йўқ бойлик ва буюк неъматдир. Умр кўз очиб юмгунингча ўтиб кетади, уни қандай ўтказиш эса ўзимизга боғлиқ. Йил фасллари сингари инсон умрини ҳам тўрт фаслга бўлиш мумкин. Ҳар биримизнинг ўз баҳоримиз, ўз ёзимиз, ўз кузимиз ва қишимиз бор.

Ҳамма гап ана шу умр фасларини қандай ўтказишда. Демак, ҳаётнинг қадри, унинг мазмуни ҳар бир кишининг ҳаётлик чоғида кўрсатган амалий фаолияти, эзгу ишлари ва солиҳ амаллари билан белгиланади. Шундай экан, инсон ҳаётининг ўлчови умрнинг узунлигида эмас, балки қисқа умрни ҳам иложи борича мазмунли ўтказишдадир.

Умр лаззатини шахсий бойлик орттиришда, "беш кунлик дунё"да фақат даврни суриб қолишда деб биладиганлар ҳам оз эмас. Наҳотки, ҳаёт фақат роҳат-фароғатда яшашдан иборат бўлса! Йўқ, шундай яшаш керакки, ҳаётимиз енгил-елпи, беҳуда ўтмасин. Аксинча, умримиз интиҳосида ўзим учун ҳам, эл-юрт ва охират учун ҳам муайян хайрли иш қилишга улгурдим, деб фахр билан айта оладиган бўлайлик.

Шарқнинг буюк шоири Мирзо Абдулқодир Бедил ўз асарларида ҳар бир нарсанинг ибтидоси ва интиҳоси борлигини асослаган. Одам абадий яшаши мумкинми, яъни умр боқийми, деган саволга жавоб берган. Ҳазрат икки хил абадийлик борлигини айтади. Биринчиси, ҳамма жисмлар ва кучларга, ҳамма нарсаларнинг табиатига, шу жумладан ҳайвонлар ва одамлар танасига хосдир. Бу аслида табиатнинг абадийлигини ифода этади. Бедил фикрича, кишининг шахсий ўлими табиий бир ҳодиса, органик нарсаларнинг ноорганик табиатга айлана бошлашидир. Лекин бу қонуниятли жараён иккинчи хусусий абадийликни асло инкор этмайди. Хусусий абадийлик — Ватан, халқ, миллат манфаатлари йўлида ўзининг фидойилигини кўрсатиш, солиҳ амаллари ва самарали изланишлари билан ҳаётда эзгу из қолдирган кишиларга хосдир. Бинобарин, ўлим ҳақ, лекин одамнинг эзгу ишлари абадий яшайди.

Демак, шундай яшаш керакки, вафот этган заҳотиёқ умримиз узилмасин, номи насабимиз эл-юрт ёдидан дарҳол чиқиб кетмасин. Балки биздан саодатли ном, хайрли ишлар, ёрқин хотиралар мерос бўлиб қолсин. Бундай кишилар жисман сафимизда бўлмасалар-да, маънан ҳамиша биз билан биргадирлар. Худди шу маънодагина умрбоқийлик мавжуддир. Ушбу сатрларни ёзаётиб, кўз олдимда ўзим кўрган, билган, таниган кўплаб азиз кишилар сиймоси намоён бўлади. Шу ўринда марҳум устозларим — академик Иброҳим Мўминов, профессорлардан — Сиддиқ Ражабов, Ҳамид Иноятов, Субутой Долимов, Ҳасан Расулов, яна қанчадан қанча улуғ шоир ва адиблар, санъатимиз фидойилари номини ҳурмат билан тилга олгим келади. Улардан сабоқ олганим ва ҳамкорликда ишлаганимни ҳамиша ғурур билан хотирлайман.

Таъбир жоиз бўлса, "умри боқий" кишиларни боғ яратган боғбонга қиёслаш ўринлидир. Модомики, у яратган боғ гуллаб-яшнаётган, у эккан ниҳоллар улғайиб ҳосил бераётган экан, демак боғбон ўлмаган. Унинг ҳаёти абадийдир.

**Зайниддин ИСАМУҲАМЕДОВ,**
**Ўзбекистонда хизмат кўрсатган ўқитувчи**

---

**Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги**
**Республика халқ ижодиёти ва маданий-маърифий ишлар илмий-методик маркази**
**Халқаро "Олтин мерос" хайрия жамғармаси,**
**Ўзбекистон Оқсоқоллар кенгаши ва "Маҳалла" хайрия жамғармаси,**
**Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси,**
**"Оила ва жамият" газетаси ва**
**Фарғона вилоят ҳокимлиги маданият ва спорт ишлари бошқармаси билан ҳамкорликда**

**"Ҳомийлар ва шифокорлар йили"га бағишлаб 2006 йилнинг 12-14 сентябр кунлари Фарғона шаҳрида**

**"АЛЛА" ИЖРОЧИЛАРИНИНГ ЕТТИНЧИ АНЪАНАВИЙ РЕСПУБЛИКА КЎРИК-ТАНЛОВИНИ**

**ўтказади**

**Кўрик-танлов 12 сентябр куни соат 10.00 да Юсуфжон қизиқ Шакаржонов номидаги мусиқали драма театрида бошланади.**

Ғолибларнинг якунловчи томошаси ва тақдирлаш маросими 14 сентябр куни соат 17.00 да бўлиб ўтади.

**Ташкилий қўмита**

---

*Дунё—кенг...*

# ЙЎҚОЛГАН ТАСМАЛАР СИРИ

***1960 йили бутун жаҳонда олти юз миллион киши инсоннинг Ойга қадам қўйганини томоша қилган эди. Америкалик астронавтлар Нил Армстонг ва Эдвин Олдриннинг Ойга тушишгани ўшанда телевидение орқали намойиш этилган. Бу видео ёзув анча хира бўлиб, хийла тиниқ туширилган тасмадан кўчирилган нусха эди. Тасвирнинг асл нусхаси эса, ўша пайтдаги телевизион форматларга тўғри келмайди, деган важ билан ўша пайтда ҳеч кимга кўрсатилмаган.***

Орадан бироз вақт ўтгач, оригинал филм магнит тасмасига кўчирилиб, Мэриландда сақлаш учун қўйилади. Бугунги кунда у ердаги етти юзта плёнканинг бирортаси ҳам йўқ. НАСА вакилларининг айтишича, бу материал шу қадар яроқсиз ҳолатда бўлганки, ундан бугун бирор-бир нарсани пайқаш даргумон. Наҳотки, шундай бебаҳо ҳужжатли материал ўз эҳтиёжлари учун ўта замонавий техникалар ва миллиардлаб доллар молиявий кўмак олиб турадиган НАСАдек жиддий ташкилотда йўқолган бўлса, деб бу ҳолатдан кўпчилик таажжубланди.

Бир тахминга кўра, тасмалар мутлақо махфий архивга қўйилган. Ушбу тахмин тарафдорларининг фикрича, тасмаларда кенг жамоатчилик билиши шарт бўлмаган сир, яъни Ойда бошқа сайёраликларнинг излари акс этган бўлиши мумкин. Дарвоқе, тасмаларнинг йўқолгани ҳақидаги хабар ҳарбийларнинг НУЖ (Номаълум учувчи жисмлар) билан алоқалари ҳақидаги кўпчиликка номаълум фактлар жамланган шов-шувли китобнинг чиқиши арафасида тарқалган эди.

Ушбу хабарлардан америкаликларнинг Ойга қўнганига ишонмаган, умуман, бу ҳақдаги кўрсатувни сохтакорлик, дея баҳолаганлар эркин тин олишди. Уларнинг нуқтаи назарига кўра, АҚШ собиқ СССР билан "совуқ уруш"да кучли тарғибот омилига эга бўлиш ва жамоатчилиқ фикрини Вьетнамдаги воқеалардан чалғитиш мақсадида "Ойга қўниши"ни аслида Ерда уюштирган: голливуд кинорежиссёри Стенли Кубрик бошчилигида Ой ландшафти ясалган. Умуман, бу парвозни сохтакорлик деб ҳисоблайдиганлар қуйидаги далилларни ҳам келтиришади: хусусан, телевизорда намойиш этилган кадрларда юлдузлар кўринмайди, худди кинони суратга оладиган майдон кучли ёритқичлар билан ёритилгандай астронавтларнинг соялари биланглайди, қолаверса, АҚШ байроғи енгил ҳилпирайди, ваҳоланки, Ойда шамол бўлмаслиги керак...

Мана шу гумонлардан сўнг агар видеотасмаларнинг асл нусхалари топилмаса америкаликларнинг Ойга қўнишганини ҳеч ким исботлай олмайди, деган фикрлар айтилди.

НАСА ходимлари эса, бундай фикрларни инкор этишади. Уларнинг таъкидлашича, Анддаги маҳобатли телескоп ёрдамида ҳам астронавтларнинг Ойдаги изларини бемалол кўриш мумкин. Назарий жиҳатдан бу ускуна 10 мил масофадан одамнинг соч толасини кўрсата олади. Бир неча марта Шу телескоп ёрдамида Ойга қўнишган америкалик астронавтларнинг изларини кўрсатишга бир неча марта даъват қилинганига қарамай, бу қимматбаҳо техникани ишлатадиган олимлар унашмади. Улар муҳимроқ юмушлар турганда аллақандай шубҳа-гумонларни аниқлаб ўтиришни бекорчи машғулот, деб қарашди.

Инсоннинг Ойга илк қадам қўйгани суратга туширилган ва НАСА архивида йўқолган тасмалар Сиднейдан топилди. Маълум бўлишича, 1979 йили австриялик продюсер Питер Клифтон машҳур Pink Floyd гуруҳининг "Ойнинг қоронғу томони" қўшиғига клип тайёрлашда фойдаланиш учун ана шу тасмаларга буюртма берган экан. Вақт тиғизлиги боис, клип устидаги ишлар тугалланмаган, НАСА тасмалари эса Сиднейдаги архивга тушиб кетган.

---

Тадбиркор дўстим уй қураётган эди, янги ҳовли битганини эшитиб, "Уй муборак!" деб бордим. Бай-бай-бай! Уй эмас, қаср бўпти! Ҳовли деганиям, саҳнига қараганда, битта эмас, тўртта бўлса кераг-ов! Кўча томонга гир айлантириб камтарона уйлар қурган, лекин ичкарида қад ростлаган бинони кўриб, оғзим очилиб қолди. Чордоқдаги хилватхоналарни, қишки бассейни бор ертўлани ҳисобласам — тўрт қават! Асосий икки қаватнинг ўртаси катта зал, унинг атрофида кенг, ёруғ хоналар; деворларининг гирди нақшинкор; поллар асл ёғочдан паркет қилиб ишланган; иккинчи қаватга салобатли зиналар олиб чиқади.

Бу зиналардан салобат билан юриш керак, тирикчилик қўйида елиб-югурадиганлар учун хайф. Иккинчи қават ҳам биринчисини айнан такрорлайди. Ҳамма ёққа чиройли поёндозлар тўшалган. Катта-катта гиламлар уй энини қоплаганидан иккита-иккита ташланган. Асл мебеллар, ойнаванд жавонлар, диванлар, жажжи устолчали оромкурсилар, буларни санаб адоғига етиш қийин.

Ақлим лол қолганидан "Ажойиб", "Зўр", "Боплабсан", "Буюрсин", "Балосан" каби мақтовлар билан сийлаб, ҳаммаёқни томоша қилдим. Ва ниҳоят, "Нега деворлар бўм-бўш ётибди?" дедим. Дўстим менга: "Нима қилишим керак эди?" — дегандек тикилди. "Манзаралар, портретлар илиб қўйсанг, янаям чиройли бўларди".

— Э-э-э, — деди у энсаси қотиб. Ва хаёлига нимадир келиб қолди: — Сан, мактабда ўқиб юрганимиздаям расм чизишни яхши кўрардинг. Ўша одатинг ҳалиям қолмабди-да?

Расмга ишқибозликдан ташқари ҳамма фанлардан беш олардим, чўнтагимда эса беш тийин камдан-кам бўларди. Дарвоқе, шу чақага буфетдан бирор егулик берарди-да. Дўстим эса отасининг ҳунармандчилигига ёрдамлашганидан дарсларга бир келиб-бир келмай, амаллаб "уч" оларди, лекин ёнида доим беш сўми бўларди... Дастурхон теварагида ўтирганимизда пайт пойлаб гапни яна бўш ётган деворларга бурдим.

— Нима қиббераси, ўша расмларинг? А? Айт-чи, пул керак бўп қолса, бозорга обчиқиб сотоламанми? Ким олади? Бошшига урадими расмларни?

Дўстим тантана қилгандек, устимдан кулгандек, қаҳ-қаҳ отди.

— Сен пулга у даражада зор бўлмайсан. Мактабдаям чўнтагинг қуруқ юрмасди.

— Тадбиркорлигам қиморга ўхшаган нарса. Бор пулингни тикиб, бир иш бошладингми, у ёғи нима бўлишини Худо билади. Ё остидан, ё устидан.

— Ман айтаётган нарса фақат ютуқ келтиради, — дедим "ости", "усти" деган сўзларнинг фарқини билмаганимдан.

— Ютуқ? Расмларингдан қанақа ютуқ бўлиши мумкин?

— Нархи йилдан йилга ошиб боради.

— Сан буни қаёқдан била қолдинг?

— Ҳар йили санъат асарларининг халқаро кимошди савдоси ўтказилади. Фалон рассомнинг асари фалон миллионга сотилди, деган гапни ҳеч эшитмаганмисан? Ўшандай яхши асарларни пули борлар сотиб олиб, деворига осиб қўйиб, томоша қилиб юради-юради-да, бир кун келиб катта пулга сотади. Сотиб олган одам ҳам санъат асарига ишқибоз, лекин санъатдан кўра пулни яхшироқ кўради. Биладики, бир неча йил ўтиб, янаям кўпроққа пуллайди.

Дўстим боягидек истеҳзо қилишдан қайтди, гапларим таъсир қилди шекилли, жимиб қолди. Бундан дадил тортиб, давом этдим:

— Тарихда доим шунақа бўп келган ва шундай давом этади. Леонардо да Винчи, Рембрандт, Пикассо, Ван Гог деган рассомларни эшитгандирсан? Уларнинг асарлари ўзлари яшаган даврда ҳозиргичалик машҳур бўлмаган. Ҳа, энди, яхши асар ёзибди, деб қўя қолишган. Уларнинг қадрини билганлар сотиб олишган. Кейинчалик, айниқса, рассом дунёдан ўтиб кетгач, унинг маҳоратини таърифлаб, асарнинг нозик жойларини кўрсатиб, изоҳлаб, шарҳлаб машҳур қилиб юборишган, натижада асарнинг нархи ошиб боравергани. Қиёмига етгач, сотиб юборишган. Бундай жараён такрорланавераді, ҳозир ҳам давом этяпти.

— Сен айтган одамлар катта рассом бўлишгандир-да?

— Ҳаётлик пайтларида оддий рассом бўлишган. Ҳозирда номлари машҳур, атоқли рассомлар, ҳайкалтарошлар, умуман, санъаткорларнинг ҳаммаси ҳаётлик пайтида нари борса, таниқли, обрў-эътиборли одамлар бўлган, холос. Уларни, ҳаётдан ўтиб кетганларидан сўнг машҳур қилган нарса — бизнес бўлади.

— Хўш, нима демоқчисан? Расм сотволиб, деворларга осиб ташлагин, демоқчимисан?

Бир умр китоб ўқиб, бирини икки қилолмаган одам, кимсан, катта бир бойга пул топиш ҳақида ақл ўргатаётганимдан ичимда мулзам бўлдим-у, билдирмадим.

— Мулк сақламоқчи бўлсанг, шундай қилганинг яхши.

— Шунақа одамларам бор, — деди дўстим бирданига ўйга толиб. — Ман бир одамнинг уйида бўлдим. Оғзим очилиб, ҳанг-манг бўлиб қолдим. Мани уйим уникини олдида писта пўчоқ! Жуда катта, тўрт қаватли, лифтлари бор. Энг тепасида икки сўтих боғи, бассейни бор. Лойиҳасини Европадан обкелтирибди. Ана ўша уйда сан айтаётган нарсаларни кўрдим. Залларга, ҳар бир хонага расмлар осиб ташлаган. Кўрсанг, музей, дейсан! Айтганингдек, чиройли кўринаркан. Шкафларида, ҳар ер-ҳар ерда ўзимизнинг эскидан қолган мис идишларни ялтиратиб, териб қўйган. Ий эгаси шунақа нарсаларга ишқибозлиги учун қойил қолдим. Сан айтаётган гаплар тўғри бўлса, демак, унинг бизнес мақсадлари ҳам бор экан-да?

— Бўлмасам-чи! — дедим севиниб ҳам юзим ёришиб. Дўстим боя жим бўлиб қолгани сабабини энди тушуниб етган эдим. — Европадаги бойлар азалдан шундай қилиб келишади. Санъат асарига мулк деб қарашади. Шунинг учун қаёққа саёҳат қилишмасин, доим тасвирий санъат асарларини, ҳайкалларни, эскидан қолган бежирим идишларни, шоҳона кийимлару турли рўзғор буюмларини бе-зак-ларни сотиб олишади. Шаҳардаги нодир буюмлар билан савдо қиладиган дўконларга кирсанг, кўрасан. Одамнинг ичи ачишиб кетади. Ўша нарсаларнинг ҳаммасини чет элликлар ташмалаб кетаверса, беш-ўн йилдан кейин ўзимизнинг қўлимизда нима қолади? Музейларда-ку, қолади-я, лекин одамлар қўлида ҳеч нима қолмайди, чунки ҳар куни, ҳар соат чет элликларга пуллаб ётишибди.

— Санъат асарлари билан бизнес қилиш Европада ривожланиб кетган экан-да.

— Бунга кўп асрлар бўлган. Одамзод бошига неча марта уруш-қирғин келган бўлса, томонлар нуқул асл буюмларни ўз юртига ташмалаб кетаверган. Санъат асарлари устидаги энг катта талон-тарож Иккинчи жаҳон урушида бўлган. Асарлар таланавериб, сотилавериб, ахийри кимларнингдир қўлига ўтиб кетган. Қанчадан-қанча асарлар бедарак йўқолган.

— Ўшанақа шов-шув бўладиган расмларни қаёқдан топасан? Кимошди савдосига бориш керакми?

— Шарт эмас. Санъат асари ҳеч қачон бирданига шов-шув бўлмайди. Дастлаб "яхши асар экан", деган баҳо олади. Кимдир уни сотиб олади. Кейин матбуотда асар таърифланади. Яна сотилади. Илгари ҳеч ким кўрмаган нуқталари таърифланади ва ҳоказо, давом этаверади. Албатта, машҳур бўлиб кетиш ҳамма асарнинг пешонасига ёзилмаган, ҳамма рассомга ҳам насиб этавермайди... Шунга қарамай, чет эллик сайёҳлар ўзимиздаги рассомларнинг асарларини ҳам сотиб олишаяпти. Қайси рассомнинг ижодига эътибор қилмагин, гўё ҳаммаси учун бир хил тақдир бичиб қўйилгандек. "Асарлари чет эллардаги шахсий коллекцияларда сақланмоқда", — деган жумлани ё ўқийсан, ё эшитасан. Бунақа "тақдир" энди ўзгаради.

Узоққа бормасдан, шу кунларда ўтаётган савдо-кўргазмани айта қолай. Ўзбекистон давлат санъат музейида ёш рассом Дилором Мамедованинг шахсий кўргазмаси намойиш этилди. Бир неча ой давомида ўн бешта манзара асарлар сотилди, саккизтасини юртдошларимиз олишди. Кўргазмага қўйилган асарларда халқимизнинг оддий яшаш тарзи тасвирланган. Рассом мўйқалам ишлатмасдан, нуқул куракча (мутахассислар мастихин, дейишади) дан фойдаланган. Ҳамма рассомлар ҳам бу усулга қўл уравермайди, Дилором эса, юксак маҳорат кўрсатган. Уйлар, ҳовлилар, кўчалар, бир қарашда, замонавий шаҳар манзараси олдида харобага ўхшаса-да, полотнода сен қуриб қўйган қасрдан ҳам чиройлироқ кўринади. Нафақат чет элликларга, ҳозирги замон шаҳарлик ўзбеклар учун ҳам ҳақиқий экзотика! Томоша қилиб тўймайсан. Яқиндан қарасанг "ажи-бужи", лекин икки қадам нарида туриб кўзингни узолмайсан.

Қисқаси, ана шу асарлар уларнинг қадрини билганлар учун яхши мулк бўла олади. Қадри йилдан-йилга ортиб, эҳтимол, эллик-юз йиллардан сўнг жуда машҳур бўлиб кетади. Қайси бойбадавлат одам невара-чеваралари ҳам бой бўлишини хоҳламайди?

Бундай асарларни нуқул хорижликлар эмас, ўзимизнинг бой-бадавлат одамлар ҳам сотиб олиб, уйларини безаб қўйишганига не етсин! Улар гўзал уйларнинг кўркига-кўрк қўшибгина қолмай, болалар тарбиясига, катталар маънавиятига ижобий таъсир этади. Мулк ҳам бўлиб қолади, ва энг муҳими, ўша мулк мамлакатнинг ўзида сақланади. Бу эса миллий бойликларимизнинг қадрини янада оширади.

**Қудрат ДЎСТМУҲАММАД,**
**иқтисод фанлари номзоди**

*Шахсий мулоҳазалар*

# МИЛЛИЙ БОЙЛИКНИНГ ҚАДРИ

## ёхуд санъат ва бизнес

***Шўролар даврида "бизнес" сўзини фақат салбий маънода ишлатардик. Уни санъат билан чоғиштириб айтишни хаёлга келтириб ҳам бўлмасди.***

---

Маданият ва спорт ишлари вазирлиги "Ўзбектеатр" ижодий-ишлаб чиқариш бирлашмаси Муқимий номидаги Ўзбек давлат мусиқий театри актёри, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Равшан Солиҳовга ўғли

**РУСТАМБЕК**нинг

вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

---

МУАССИСЛАР: ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАДАНИЯТ ВА СПОРТ ИШЛАРИ ВАЗИРЛИГИ, ЎЗБЕКИСТОН ЁЗУВЧИЛАР УЮШМАСИ

* * *

НОШИР: "ШАРҚ" НАШРИЁТ-МАТБАА АКЦИЯДОРЛИК КОМПАНИЯСИ

ҲОМИЙ: "МАТБУОТ ТАРҚАТУВЧИ" АКЦИЯДОРЛИК КОМПАНИЯСИ

O'zbekiston adabiyoti va san'ati

Манзилимиз: Тошкент — 700083, Матбуотчилар кўчаси, 32
Қабулхона — 133-52-91, котибият — 136-56-50

Танқид ва адабиётшунослик бўлими: 133-49-93 Ижтимоий ҳаёт бўлими: 136-58-55
Санъат бўлими: 136-56-48 Назм ва наср бўлими: 136-56-48

Бош муҳаррир Аҳмаджон МЕЛИБОЕВ

*Таҳририятга келган қўлёзмалар таҳлил этилмайди ва муаллифларга қайтарилмайди. Муаллифлар фикри таҳририят нуқтаи назаридан фарқланиши мумкин.*

Навбатчи — Носиржон ЖЎРАЕВ
Саҳифаловчи — Байрамали МУҚИМОВ

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси.

Босишга топшириш вақти — 20.00. Босишга топширилди — 21.00.

Газета Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 058-рақам билан рўйхатга олинган. А — 2936. Буюртма Г — 1149. Ҳажми — 5 босма табоқ. Нашр кўрсаткичи — 222. Ташкилотлар учун — 223. 1 2 3 4 5 6

ЖУМА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ.
СОТУВДА НАРХИ ЭРКИН